БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!


ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 2 март Жума
№ 43 (13. 479).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегати



Фарғона шойи тўқиш фабрикасининг комсомол қўмитаси 1127 комсомол аъзосини бирлаштиради. Корхонада шунча йигит-қизлар орасидан ВЛКСМнинг бўлажак XXI съездига делегат сайлаш масаласи кўнгдаланг бўлганда, ёшлар ҳеч иккиланмасдан, якдиллик билан цех механиги Шуҳрат Раҳимов номзодини кўрсатишди. Синалмаган, сўзининг уддасидан чиқа олмайдиган кишига ишонч билдирилмайди, албатта. Демак Шуҳрат шундай масъулиятли вазифага лойиқ. Энди гап съездда ҳамкасбларининг, вилоят, жумҳуриятимиз ёшларининг талабларини айта олишда.

Аъзамжон МИРЗАЖОН сурати.

ДЕПУТАТ—ҲАММА ИШГА БОШ-ҚОШ!

Азиз депутатлар!

Жумҳуриятимиз бутун мамлакатда бўлганидек ниҳоятда мураккаб, зиддиятли бир даврни бошидан кечирмоқда. Ана шундай оғир шароитда халқимиз сизларга юксак ишонч билдирди. Бу йилги сайлов ҳаммангиз учун ҳақиқий синов бўлди. Эндиликда халқ ҳокимиятининг янги Советлари ўз ишини бошлаш арафасида турибди. Янги сайланган депутатлар фаолиятига, уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатига ҳамма умид боғлаяпти.

Халқимиз турмушининг қанчалик ночор эканлигини яхши биласиз. Уй-жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ва касалхоналар етишмайди, дўкон ва бозорларда қимматчилик, 9 миллион аҳолининг жон бошига олаётган даромади кун кечириш учун зўр-базўр етади. Бизда ҳозир бир миллиондан ортиқ ишсиз бор. Атроф-муҳит, табиатнинг мувозанати бузилган. Орол фожиасидан ҳаммамиз ташвишдамиз.

Шу каби кўплаб муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистонимизда қайта қуришнинг бош мезонидир.

Республикамизда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган бир қатор катта тадбирлар айнан шу мақсадга қаратилган. Пахта яккаҳокимлигига чек қўйилаяпти, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи оз бўлсаям ошаяпти. 1,5 миллионга яқин қишлоқ оиласи ўз томорқасини кенгайтириб, уй-жой қуриш учун қўшимча ер олди. Ссуда ва қурилиш материаллари ажратиш тобора кўпайтирилмоқда. Бошланғич синфлар ўқувчилари ва касалманд ҳомиладор аёлларнинг қўшимча бепул овқатланиши учун ўнлаб миллион сўм маблағ ажратилди. Қариялар ва ногиронлар учун нафақалар ошириляпти, интернат уйлар шароитини яхшилаш чоралари кўриляпти.

Шаҳар ва қишлоқларимизни қайта қуриш, уларни газ ва ичимлик сув ҳамда бошқа зарур ҳаётий эҳтиёж воситалари билан таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Пойтахтимиз Тошкентни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш программаси ҳам шу жумладандир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОН, ПОСЁЛКА, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛ СОВЕТЛАРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА

МУРОЖААТ

Атроф-муҳитни соғломлаштириш мақсадида Янги Қўқон химия заводи, бошқа ўнлаб зарарли корхоналар ёпилди. Аҳолини иш билан таъминлаш учун кичик шаҳар ва қишлоқларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи турли фабрика ва цехлар, район марказларида, бевосита хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш комбинатлари қуриляпти.

Халқимизнинг асрлар давомида кўз қорачиғидек сақланиб келган урф-одатлари, тили ва маданияти, ақида ва анъаналарига эътибор кучайди. Яқинлашиб келаётган «Наврўз» байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Тарихни эъзозлаш келажакни ўйлаш демакдир. «Мерос» деб аталган давлат ҳаракат дастури амалга оширила бошланди. Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг вакиллари ҳам ўз миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш учун тобора кўпроқ имкониятга эга бўляпти.

Ҳали халқ хўжалигининг барча соҳаларини тубдан ўзгартириш, такомиллаштириш, уларни биринчи навбатда турмуш учун зарур моллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш борасида жуда катта ишлар қилиниши керак.

Ёшларга эътибор кучайди, уларнинг ҳозирги кунда энг зарур бўлган ихтисосларни эгаллаши учун тегишли шарт-шароит яратиляпти. Барча вилоятларимизда иқтидорли болалар учун махсус интернат-мактаблар очиляпти. Истеъдодли ёшларимизга мамлакатимиздаги, чет эллардаги энг нуфузли ўқув ва илмий марказларда таълим олиш учун йўлланмалар берилияпти. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган.

Кўп ишлар қилиняпти, лекин тўғрисини айтиш керак, бутун мамлакатимизда, жумҳуриятимизда кечаётган оғир вазиятдан ўзларининг тубан мақсадлари йўлида фойдаланаётган кимсалар ҳам бор. Улар ҳаммамизга аён камчиликларни рўкач қилиб, одамларни айниқса ёшларни гиж-гижлаб, тўс-тўполонларга даъват этяптилар, фожиали воқеалар, миллатлараро низолар, ҳунрезлик, жаҳолат ва адоват содир бўляпти.

Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Сиз билан биз ана шу ҳикматга амал қилиб, халқимизни ҳаттоки, бало-қазога гирифтор қилмоқчи бўлаётган, унинг тақдирини гаровга қўйиб бўлса ҳам, ўз мақсадларига эришишни истаётган ана шундай кимсаларнинг тажовузидан асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Бу борада депутатлар зиммасига айниқса катта масъулият юкланади. Ахир, сизлар халқнинг мухтор вакилларисиз. 70 мингдан ортиқ депутат чакана куч эмас. Энди ҳар бир вилоят ва шаҳарда, район ва қишлоқда ҳокимият сизларники. Биринчи қадамларингиз ҳосиятли бўлсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва ҳукуматидан то қишлоқ Советларигача раҳбариятга кимларни сайлашимиз керак? Албатта, улар ким бўлишидан қатъи назар, партия аъзосими, йўқми, энг ишбилармон, энг адолатли, энг иродали, халқ учун ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр кишилар бўлиши керак. Бунга ишончимиз комил. Халқимиз етти ўлчаб бир кес, дейди. Демак, барча Советларда раҳбариятга сайланадиган номзодларни шошма-шошарлик билан юзаки муҳокама қилмай, қуруқ гап ва ваъдабозликка йўл қўймай, оддий қилиб айтганда, саралаб танлаш шарт. Токи, уларнинг ҳар бири халқ тақдири учун масъуллигини, жавобгарлигини биринчи кундан, дастлабки қадамларданоқ ва бутун фаолияти давомида астойдил ҳис этсин, халқ ишончини амалий ишлар билан исботласин.

Ҳаммамизга халқ фаровонлиги йўлида толе ёр бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Қандай овқатланяпсан, ўқувчи?

Ёмон! Булоқбоши умумий овқатланиш корхонаси таъминлаётган бир неча мактабни текширган Хўжаобод ноҳия халқ назоратчилари ана шундай кўнгилсиз хулосага келдилар.

Хўжаобод ноҳия халқ назорати қўмитасининг мажлисида аниқ далиллар келтирилди. 35-ўрта мактаб ошхонасида бир кунда сарфланаётган озиқ-овқатлар ҳисоб-китоб қилинмаяпти, қозонга қанча гўшт тушаётгани мактаб назоратидан четда қолаяпти. Озиқ-овқатлар «тежаб» қолинаётгани шунинг натижаси эмасмикан? Омборхонада тўрт килограммдан кўпроқ мол гўшти, шунча парранда гўшти, бир килограмм сариёғ ва бир неча ўн дона тухум топилди. Мактаб ўқувчилари эса икки марта — эрталаб ва тушда тўйиб овқатланиш ўрнига ёвғон шўрва ичишаяпти...

Р. Туркбоев ошпаз бўлиб ишлайдиган 17-мактаб ошхонасидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бу ерда камомад аниқланди... 18-мактабдаги аҳвол, айниқса, аянчли. Бу ерда болалар бутунлай нонуштасиз ва тушликсиз қолишди — ошхонада электр плитаси ишламаяпти. Текширилган бошқа мактаблардаги аҳвол ҳам қувонарли эмас.

Халқ назорати қўмитаси айбдорларни қаттиқ жазолади ва Булоқбоши умумий овқатланиш корхонасидан барча камчиликларни қисқа муддатда бартараф этишни талаб қилди.

У. САКСОНБОЕВ,
Андижон вилояти.
(ЎзТАГ).

Жумҳурият янгиликлари

✦ АНДИЖОНДАГИ 41-мактаб бундан буён Абдулла Қодирий номи билан аталади. Ўзбек романнавис-ёзувчиси туғилган кунининг 95 йиллиги муносабати билан ва мактаб педагоглар коллективининг ҳамда комсомол ташкилотининг илтимосига биноан шаҳар ижроия комитети ана шундай қарор қабул қилди. Ўқувчилар ва педагоглар бу ерда ёзувчининг адабий музейини яратишга аҳд қилдилар.

✦ ФОРИШ ноҳиясидаги Киров номли совхозда жойлашган мактабларга маҳаллий аҳолининг ўзи шахсий томорқаларидан олинган сутни олиб кетаяпти. Тоғ йўллари, қишлоқларнинг узоқлиги бу ерда марказлаштирилган таъминотни йўлга қўйишни мураккаблаштираётган эди. Шундан кейин хўжалик раҳбарлари одамларга мурожаат қилиб, ўқувчиларга сут сотишни улардан илтимос қилдилар. Бу кўпчиликка маъқул тушди. Натижада янги соғилган «хонаки» сут олаётган болалар ҳам хурсанд, қўшимча даромад манбаига эга бўлган маҳаллий аҳоли ҳам мамнун. «Бузоқлар»нинг эгаларига сут учун пул тўлаётган совхоз эса болаларга сутни олиб бориш учун кетадиган маблағни тежаб ҳам қолаяпти.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросининг навбатдаги мажлисида Фарғона вилояти комсомол ташкилотларининг ёшларни иш билан таъминлаш борасида қандай ишлар олиб бораётганлиги масаласи кўриб чиқилди. Маълумки, Фарғона вилояти жумҳуриятимиздаги энг аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланади. Узоқ йиллар меҳнатга яроқли кишиларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қилинмаганлиги, аҳолининг тез ўсиб бориши назарга олинмаганлиги мана шундай танг аҳволга сабаб бўлди. Бу ҳам кўп жиҳатдан Фарғона фожиаларининг юз беришига олиб келди.

Ҳозир вилоятда 61 мингдан зиёд киши иш билан таъминланмаган. Улардан 2 мингга яқини инженер-техник ходим, 13 мингга яқини ихтисоси бор ишчидир, 46 мингдан кўпроқ киши эса ҳеч бир касб-корга эга эмас.

Вилоят комсомол ташкилотлари ёшларни иш билан таъминлаш учун бир қатор ишларни қилишди. Комсомол қўмитаси томонидан 1989 йил тузилган кўнгилли меҳнат Бирлашмалари штаби 533 йигит ва қизни ишга жойлади. 50 дан ошиқ киши жумҳуриятимиздан бошқа жойларга ишга юборилди. Шунингдек, Тюмень ва Магадан вилоятлари билан шартнома тузилиб, 1500 кишини юбориш мўлжалланмоқда.

Булар ва амалга оширилаётган бошқа қатор тадбирларни назардан қочирмаган ҳолда, Марказқўм Бюроси бу борада қилинаётган ишлардан қониқмаётганлигини изҳор қилди. Вилоят комсомол қўмиталари ёшларни иш билан таъминлашнинг, ишга муҳтож ёшларнинг ўсиш суръатини белгилаб бориш, мутахассисликлар бўйича иш билан машғул этиш, аёлларни касаначиликка жалб қилиши, 16 га кирмаганлар учун фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг аниқ таҳлили йўқлиги уқтириб ўтилди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш «иш билан машғуллик» ҳаракатномасини ишлаб чиқишда фаолроқ бўлиш, йигит-қизларни меҳнатга жалб этишда хўжалик ҳисобидаги марказлар имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга Бюро ушбу масалани ўрганиш учун вилоятда бўлган Марказий Қўмита бригадаси муаммони чуқур ўрганмаганлиги, юз берган ҳолатни жиддий таҳлил этмаганлиги, оқибатда бундай муҳокама натижасида ишда бирор бир ўзгариш юз беришига умид қилиш маҳоллигини эътироф этди ва бу масала янада чуқурроқ малакали мутахассислар иштирокида тўлақонли ўрганилиши, энг муҳими, амалий ёрдам кўрсатиш лозимлигини айтди.

Бюрода 1990 йилда жумҳуриятимизда халқ хўжалиги объектларига оталиқ қилиш масаласи муҳокама этилди. Ўтган йили Ўзбекистон комсомол ташкилотлари саккизта жумҳурият зарбдор қурилишларига оталиқ қилди, қурилишларда штаблар тузишди. Уларнинг фаолияти қурилишда ишлаётган ёшлар объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишга самарали меҳнат қилишига қаратилди. Штаблар бу жойларда ёшлар учун маданий-маиший тадбирлар, касб маҳорати кўриклари ўтказиб боришди. Бюро мажлисида комсомол зарбдор қурилишларига оталиқ иши халқ хўжалиги ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилаётганлигини эътироф этган ҳолда, улар ишини янада кучайтириш, 1990 йилги комсомол зарбдор қурилишлари объектларини аниқлаш лозимлигини таъкидлади.

1990 йил 1 январида Ўзбекистон комсомоли ўз сафига 2 миллион 762 минг 102 йигит ва қизни бирлаштирган. Ўтган йили жумҳурият комсомоли сони 88299 кишига камайди. Таҳлил шуни кўрсатадики, комсомолларнинг сони камайиши, асосан, ВЛКСМ аъзоларининг бир иш жойидан иккинчисига ўтганида комсомол ҳисобига турмагани ва жуда кўплаб комсомол ташкилотларида ВЛКСМга қабул масаласи кун тартибидан тушиб қолганлигидандир. Темирйўл, Булунғур, Термиз, Ленин, Октябрь, Сергели, Фрунзе, Оқолтин, Конимех ноҳия, Гулистон, Бекобод, Термиз шаҳар комсомол қўмиталари ўз сафларини ўстириш ҳақида қайғурмай қўйишган. Навоий шаҳар комсомол қўмитаси бир йил мобайнида ВЛКСМ сафига 228 киши, Зарафшон шаҳрида эса 186 киши қабул қилинганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Бюро Андижон, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоят комсомол қўмиталарида ички иттифоқ иши ёмон аҳволдалиги, ҳисобда турмаган ёшлар билан яхши иш олиб борилмаётганлигини кўрсатди. Барча комсомол ташкилотлари ВЛКСМга қабул масаласига жиддий эътибор қаратишлари кераклиги уқтирилди.

Марказқўм Бюросида жумҳурият комсомол ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар якунлари ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. У бу гал жанговарлик, ошкоралик ва демократия руҳида ўтди. Ҳисобот-сайловлар таҳлил қилинар экан, йиғилишлар ва конференцияларда асосан ВЛКСМнинг ҳозирги аҳволи комсомолнинг жамият сиёсий системасидаги роли ва ўрни комсомол ташкилотларининг иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга чинакамига қўшилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этганлиги сезилиб турди.

Энг муҳими, ҳисобот ва сайловлар комсомол КПСС-нинг янгиланиш фаолиятида ишончли таянчи эканлигини яна бир бор намоён этди. Деярли барча маърузалар ёки уларнинг тезислари матбуот орқали муҳокамага тақдим этилди. Ноҳия, шаҳар, вилоят конференцияларида 4408 киши сўзга чиқди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасига 80 та таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Комсомол қўмиталари ҳали ҳам ёшларнинг қизиқиш ва манфаатларини ҳимоя қила олмаётганлиги, ёшлар ўртасида ишсизлар сони тобора ортиб бораётгани ва бошқа масалаларга эътибор қаратилди. Комсомол аппарати ходимлари ҳамон бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бера олишмаяпти. Асосан ҳужжат тайёрлаш билан машғул бўлишаяпти. Партия ходимларининг кўрсатмаларини бажариш билан бандлар.

Натижада бошланғич ва юқори органлар орасида узилиш юз бермоқда. Мисол учун, бирлашган авиаотряд комсомол ташкилоти (Сергели ноҳияси), Тошкент тўқимачилик комбинати (Фрунзе ноҳияси), Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари комсомол ташкилотлари, Охунбобоев ноҳиясидаги 27-мактаб бошланғич ташкилоти ўз ноҳиялари, шаҳарлари таркибидан чиқиб, вилоят, жумҳурият миқёсида рўйхатга олинишларини сўрашди.

Бюро ҳисобот ва сайловларда билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш йўлларини зудлик билан ахтариш, бу ҳақда ВЛКСМ аъзоларини хабардор қилиш, янги сайланган комсомол фаолларини ўқитишга эътиборни кучайтириш, иши қониқарсиз деб топилган комсомол қўмиталарига амалий ёрдам кўрсатиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси мажлисида Ўзбекистон комсомолининг жумҳурият ёш ижодкорларининг энг яхши асарлари учун Усмон Носир номидаги мукофотни таъсис этди. У 30 ёшгача бўлган ижодкорларнинг сўнгги икки йилдаги шеърий асарлари учун берилади.

Шунингдек, бюрода Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти комсомол қўмитаси хонасида темир шкаф ўғирланганлиги факти муҳокама қилинди. Шкафда комсомол қўмитаси муҳри, 153 та комсомол билети, 37 та ҳисоб карточкаси ва комсомол қўмитасининг байроғи бўлган. Бу иш юзасидан ҳозир терговолиб борилмоқда. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Комсомол қўмитаси хонасида ҳужжатни сақлаш учун шарт-шароитлар таъмин этилмаган. Сигнализация, деразаларда темир панжара йўқ, эшик муҳрланмайди. Ўғирланган темир шкаф ҳам ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг инструкциясига жавоб бермайди.

Айни пайтда институт, ноҳия ва шаҳар комсомол қўмиталарининг бу ҳодисага бепарво қараши, шу кунгача айбдорларнинг шахсий масъулияти масаласи кўриб чиқилмагани кишини ажаблантиради. Шу билан бирга вилоят комсомол қўмитасида ҳам комсомол ҳужжатларини сақлаш, уларни топширишда қатор камчиликлар борлиги аён бўлди. Кўплаб комсомол қўмиталарида ҳужжатлар нобоп шароитларда сақланмоқда. Муҳрлар, Қизил Байроқлар вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб турилмайди. Бюро ушбу масала бўйича вилоят, шаҳар ва Ленин ноҳия комсомол қўмитасининг позициясидан қониқмаганини билдирди ва бу ҳодисага совуққонлик билан қарагани учун Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти комсомол ташкилотидан ноҳия ҳуқуқини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бундан кейин вилоят комсомол ташкилотларига комсомол ҳужжатларини сақлаш учун етарли шароит яратиб бериш масаласи юкланди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг Бюросида, шунингдек, яна бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Биринчи саҳифага мактуб

ИҚРОР

Ҳурматли муҳаррир. «Ёш ленинчи»нинг 1990 йил 24 январь сонида эълон қилинган «Машраб олдидаги гуноҳим» сарлавҳали мақолани қизиқиб ўқидим. Мутолаа сўнггида муаллиф Муҳсин Зокировга мард ва танти адабиётшунос сифатида ҳурматим ошди. Олим улуғ шоир Машраб ижодиёти борасида йўл қўйган хатоларини тан олиб «Мени Машрабнинг руҳи кечирсин» — дебди. Бу инсонийлик, ўз имони олдидаги ботиний мулоқот туғёни эмасмикан? Албатта... М. Зокировнинг кечаги хатосини тан олиши, қолаверса, бугунги кунда халқ кўзига тик боқиб, бобокалон шоиримиз ижодига бўлган аввалги қарашларидан тамомила воз кечишининг ўзи ҳам жасорат. Менимча бу чинакам шеърият шайдосининг эътиқоди.

Лекин, мени бошқа бир нарса қийнаяпти. Кўплаб адабиётшунослар классик адабиётимизнинг бир қанча етук вакиллари ижоди олдида қарзлари кўп.

Яна бир мисол. Бобомиз Навоийнинг «Одами эрсанг...» дея бошланувчи ҳикматли байтини ҳам шу пайтгача бузиб талқин қилдик. Ҳали ҳам шу. Чунки шунақа ўргатишди, кимнингдир бир ёқлама тадқиқоти эвазига... Ёхуд Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Қодирий сингари элнинг зукко фарзандлари, беназир истеъдодларнинг бевақт хазон бўлишини кўриб турганлар орасида ҳозир ҳаёт бўлганлар ҳам бордир? Улар гуноҳларига қачон иқрор бўлишади, нега уларнинг виждони уйғонмаяпти.

М. Зокиров тўғри чиқиш қилган. Ҳозир айни пайти. Эртага эса...

Салом билан Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
Сурхондарё вилояти. Бойсун ноҳияси, адвокат.



РЎЗНОМАМИЗ МЕҲМОНИ

«Ёш ленинчи» рўзномаси билан Афғонистон Демократик Ёшлар Иттифоқининг органи «Дарафше жавонон» рўзномалари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганига бир неча йил бўлди. Қисқа муддат ичида иккала ёшлар нашрининг Термиз шаҳрида дўстлик фестивали, бир группа ижодкорларнинг Тошкент шаҳрида ўзаро ижодий учрашувлари бўлиб ўтди.

Ёшлар рўзномалари саҳифаларида Ўзбекистон ва афғон ёшларининг меҳнати, турмуши, ўқиши ва ҳарбий хизматдаги фидойиликларига оид қатор мақолалар, навқирон қалам аҳлининг ижодидан намуналар, фотосуратлар эълон қилинди.

Куни кеча рўзномамизда Афғонистон Демократик Ёшлар Иттифоқи Марказқўми мафкура бўлимининг ёшлар матбуоти бўйича масъул ходими Собур Мир Алам меҳмон бўлди. Суҳбат чоғида иккала ёшлар нашри ижодкорларининг ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш бўйича тайёрланаётган янги Шартнома лойҳаси бўйича фикрлашиб олинди.

Учрашувда Ўзбекистон Ёшлар Ташкилотлари Қўмитасининг масъул ходими Д. Нурматова қатнашди.

СУРАТДА: учрашувдан бир лаҳза.

Муҳаммад АМИН сурати.

Бизнинг номзод



Шифокорнинг холис нияти

— Биласизми, илгари шаҳримиз кўчалари қанақа озода эди. Ҳар куни супурилиб, сув сепиларди. Қанақа ариқлар бор эди... Маҳаллалар файзли эди. Эндичи?..

Турсунхон Умарова ўз болалиги, эски Тошкентни ҳаяжонланиб гапиради. Бугунги нуқсонлардан куюнади:

— Бир қолипдаги бетон уйларга қараб кишининг юраги увишади. Болалар спорт майдончалари йўқ ҳисоби. Кунлаб, ойлаб уюлиб ётган чиқиндилар олиб кетилмайди. Одамлар ночор уларни ёқишади. Ахир буларнинг ҳаммаси саломатликка зарар-ку. Айниқса тоза ҳавога муштоқ болаларга қийин.

«Болалар — бизнинг келажагимиз!» «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» деган шиорларни кўз-кўз қилиб болаларни ҳам, оналарни ҳам алдаб келдик. Охир-оқибат ўзимиз алдандик. Жамиятимиз алданди. Бугунги кунда болалар ўлимининг кўпайиши, оналар саломатлигининг ёмонлашуви ҳаммамизни ташвишга солиб қўйди.

У болалар боғчалари, шифохоналари етишмаслиги, борлари ҳам талабга жавоб бермаслигини ачиниб гапирди:

— Иши, фойдаси халққа номаълум қанчалаб ташкилотлар, идоралар бор, — дейди у. — Қасрдек биноларни эгаллаб ётишибди. Уларни болалар, оналар шифохоналари учун ажратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Турсунхон Умарова Тошкент медицина институтини тугатгач, шифокор бўлиб ишлади. Кейинчалик турмуш ўртоғи (у ҳам шифокор) билан биргаликда Сурияда хизмат қилиб қайтишди. Ҳозир И. Охунбобоев номли жумҳурият медицина билим юрти директори. Октябрь ноҳияси «Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш» совети аёллар комиссиясининг раиси. Мана, энди одамлар катта ишонч билдириб икки миллионли шаҳар Совети депутатлигига унинг номзодини кўрсатишди.

Турсунхон Умарованинг ҳаракат дастурида «Фаол»», «Қаҳрамон», «Туркқўрғон», «Тахтапул» маҳаллалари аҳолиси учун маданий-маиший муассасалар барпо этиш кўзда тутилган.

— Ишчилар шаҳарчасида бозор, савдо комплекси, дорихона, ҳаммом зарур, — деб таъкидлайди номзод.

Бундан ташқари у пойтахтимиздаги бошқа кўпгина муаммоларни ҳал этишга ҳам фаол ҳисса қўшиш ниятида. Ўзбек тили ҳақидаги Қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши, миллий анъаналарнинг тикланиши, шаҳарни ободонлаштириш... Ўзи раҳбарлик қилаётган билим юртида ўқув-тарбиявий жараёнлар сифатини ошириш... Шифокорнинг нияти оналарга, болаларга, халқимизга холис хизмат қилиш. Унга ишонса бўлади. Билими, куч-ғайрати, ақл-фаросати, дадиллиги бу ишончга асос бўла олади.

О. САФАРОВ.

* * *

СУРАТДА: Турсунхон Умарова талабалар даврасида.

Е. БОТИРОВ сурати.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

БУГУНГИ ЁШЛАР... Улар ҳақида кейинги пайтда жуда ташвиш ва хавотир билан гапириш одат тусига кириб қолгани сир эмас. Тўғри, тан олмасдан иложимиз ҳам йўқ. Жиноятнинг барча турлари кейинги пайтда йил сайин ортиб бораётир. Босқинчилик, одам ўлдириш, ўғрилик, талончилик, эҳ-ҳе, санаб адоғига етолмайсан киши. Нима қилиш керак? Агар шу аҳволда кетаверсак, эртага жамиятни кимга ишонамиз? Ахир 70 йил давомида бошимиздан кечирган шунча кўргуликларимиз, фожиаларимиз етиб ортмасмиди? Аҳвол яхшиланиш ўрнига янада оғирлашиб кетаверса? Бир ёқда экология, бир ёқда турли хил бедаво хасталиклар даҳшат солиб турган бўлса, эртанги ёруғ кунга умид қилса бўладими? Маънавият оламимиз ҳақида қанча гапириляпти. Натижа эса еттинчи осмонда...

Йўқ, мен сиёсатдон эмасман. Лекин булар менга ҳеч тинчлик бермайди. Ўзимни қийнаётган жумбоқлар ҳақида гапирмоқчиман. Мени асосан ўзбекистонлик ёшларнинг ҳаёти ва келажаги жуда ўйлантиради.

Ўзбек оилаларида кўп йиллардан бери икки хил тарбия йўли билан болалар улғаймоқда. Улар уйда асосан ўзимизнинг эски анъаналаримиз билан тарбияланса, мактабларимизда эса Европа педагогикаси асослари билан тарбияланади. Булар кўпинча бир-бирига зид келади. Очиғи, етук тарбияга эга бўлмаган енгилроқ кишилар ҳаётга кириб келмоқда. Бу енгилроқ одамлардан ҳар қандай салбий ҳодисани кутиш ҳеч гап эмас. Аслида уй тарбияси билан мактаб тарбияси бир бутун бўлиб, бир-бирини тўлдириши керак эмасми? Ўзбекистон ўғлонларини ҳақиқий ҳарбий мутахассисликка ўргатишда айрича қарашлар мавжуд эканлигини кўриб ҳайратга тушаман. Мен жуда кўп Россия шаҳарларида бўлганимда ўзбек йигитларининг кўпчилиги қурилиш батальонларида хизмат қилаётганларини кўрдим. Ўтган йили Москва атрофидаги ҳаво флотига алоқадор горнизонда учрашув бўлганида биронта ҳам юртдошим йўқлигидан афсусландим.

Биз Болтиқбўйиларида фильм суратга олаётганимизда оммавий саҳналарда ҳарбийлардан фойдаланишга тўғри келди. Бу ерда ҳам қурилиш отрядларидан юртдошларим қатнашди. Менда «Николай вақтида юртдошларимни мардикорликка, уруш йиллари вақтида ишчи батальонларига, ҳозир қурилиш отрядларига нега кўпроқ олишади?» деган ўкинчли бир савол туғилади. Болтиқбўйи ҳарбий округида Горчаков деган бир генерал-лейтенант билан суҳбатлашган чоғим «Нега Ўрта осиёлик йигитлар кам?» деб сўраганимда у:

— Улар ҳарбий техникани эгаллашда рус тилига нўноқ эканликлари билиниб қолади, — деб жавоб берди. Менга бу гап баҳонадек бўлиб туюлди. Армияга ҳақиқий билимдон аскарлар керак бўлса, аввало кўпмиллатли қўмондонлар тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш керак. Аҳоли жиҳатидан учинчи ўринда турувчи ўзбеклардан сипоҳилар ниҳоят даражада кам. Ҳар икки йилда чақирилувчи аскарларни армияга тайёрлаш-чи? Агар руслар инглизлар армиясига бориб тўғридан-тўғри хизмат қилсалар, албатта улар ҳам ўзга тилни ўзлаштиришлари қийин бўларди-да. Шунинг учун армияда сипоҳилар СССР халқлари орасида аҳоли сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этадиган миллатларнинг тилларини билсалар ёмон бўлмасди. Энг ачинарлиси, бошқа жумҳуриятларни билмадиму, Ўзбекистонда йигитларни (армия ёшига етганларни) армияга тайёрлаш ниҳоятда ёмон аҳволда. Ҳа, уларнинг топиб олган яна бир баҳонаси ўзбек йигитлари жисмонан заиф эмиш.

Тўғри, ўзбек йигитларининг жисмоний жиҳатдан заифроқ ўсишининг социал илдизлари бор. Улар илиги тўқ бўлиши учун гўшт тўйиб емаса, истеъмол қиладиган нарсалари химикатларга тўйинган бўлса, яна бир томондан экологиямиз жар ёқасида турган бўлса, спорт заллари, бассейнлар етарли бўлмаса. Баъзан спорт мусобақаларига марказий шаҳарларнинг спорт мактабларидан ўқувчилар чақирилиб Ўзбекистон номидан қатнаштирилиб кўзбўямачилик қилинса, қандай қилиб фарзандлар соғлом бўлсин?

Шу ўринда бутун халқимизнинг ишончини оқлай ололмаётган «Пахтакор» футбол командаси ҳақида ҳам гапирмасдан ўтолмайман. Ахир қачонгача Ўзбекистон спортига четдан қочган, қувилган футболчилар ва тренернинг келиб-кетиши давом этади. Наҳотки ўн беш миллионли ўзбек халқи битта миллий команда тузолмаса? Менимча, битта эмас, ўнта команда ҳам тузиш мумкин. Бу кунга қачон етамиз? Қачонки, спортимиз тақдири маҳаллий кадрларга ишониб топширилса, шунда биз ҳам кўкрагимизни кўтариб юрган бўлар эдик.

Сохта байналмилаллик ниқоби остида қилинаётган ишлар аста-секин маълум бўлаяпти. Бизнинг халқдек байналмилал халқ дунёда бўлмаса керак. Лекин ана шу кўнгилчанлигимиз, ўта сабр-бардошлилигимиз бошқаларга қўл келаётганлигини ҳам унутмайлик...

«Ёшлар ўртасида жиноятчилик йил сайин ортиб бораяпти» дейиш осон. Аммо бу жиноятлар қандай, кимлар томонидан содир этиляпти? Бунинг туб илдизлари қаерда? Бундай чигал жумбоқларга жавоб топилмаяпти. Тўғриси, ички ишлар ходимларининг хизматидан умуман кўнглим тўлмайди. Ҳозир транспортларда чўнтак ковлайдиганлар, талончилик қиладиганлар, машина ва квартира ўғрилари кўпайиб кетди. Булар турли миллат вакиллари. Улар бир нави кун кечиришган талаба ёшларимиздек қийналганидан ёки ишсизликдан, ноиложликдан бу ҳаром ишларга қўл ураётганлари йўқ. Балки осонгина пул топиб, ортиқча маишат қилишга ўрганиб қолишганидан қилишяпти.

Яқинда Чорсу бозорида бир чет эллик аёлнинг сумкасини ўғирлаб олиб қочишди. Мен шу заҳоти бозордаги милиция ходимларига мурожаат қилдим. Лекин улар «Менинг участкам эмас» деб парво ҳам қилишмади. Сумка олиб қочган ғойиб бўлди. Чет эллик аёл додлаб қолаверди. У қандай таассурот билан Ватанига қайтади? Биз узоқ йиллар кўкларга кўтариб мақтаб келган жамиятимиз ҳақида юртдошларига не деб гапириб беради?..

Нима бўлсаям, жумҳуриятимиз ёшлари ҳақида қаттиқ ўйлайдиган вақтлар келди. Туб ерлик халқдан ишчи синфи кам, деб жар солишни биламиз. Тўғри, кам. Лекин бунинг айрим сабаблари бор. Аввало, бизда саноатнинг ривожланиш даражаси жуда паст. Бунинг сабаблари мамлакатимизнинг Европа қисмидан уруш йиллари кўчириб келтирилган йирик заводлар, корхоналар асосан ўз ишчилари билан келган. Уларнинг сулоласи ҳали ҳам давом этмоқда. Улар орасида ерли миллат вакиллари кам. Фарғона шаҳридаги баъзи калтафаҳм, бюрократ раҳбарларнинг маҳаллий миллат вакилларини уқувсизликда айблаб, ишга олмаслик ҳақидаги қарори бунинг ёрқин мисолидир. Бундан ортиқроқ хўрлик бўлмаса керак, менимча. Биринчи навбатда корхона — завод муҳитини соғломлаштириш зарур. Ана ундан кейин соғлом муҳит ўз маҳсулини беради. Бўлмаса маҳаллий аҳолидан ишчи кучи йўқ, деган гапни ҳали-вери такрорлаб юраверамиз ва Россиядан ёрдам сўрайверамиз. Ваҳоланки, ўзимизда бир миллионга яқин ишга яроқли аҳоли иш тополмай сарсон. Лекин негадир ҳали ҳам Тошкентни «нон шаҳри» деб матбуотда ёзиб, телевизорда кўрсатилмоқда. Афсуски, Тошкент ҳозир нон шаҳри эмас. Бозор қиммат, магазин пештахталари ғариб. Дайдиб келаётганлар безорилик, ўғрилик, гиёвандлик, фоҳишабозлик уруғини кўпайтирмоқдалар. Натижада юқорида айтганимиздек, жиноятларнинг сони ортиб бормоқда. Бу энди дўстликка кирмайди. Бизга соф виждонли, меҳнаткаш халқлар дўстлиги зарур. Дўст иззати билан қадрли. Меҳмон эса ҳурмати билан...

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти.

ЯНГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Мўйноқлик 140 нафар кичкинтой янги болалар боғчасига қатнайдиган бўлди. Боғчани экология ҳалокати ноҳиясига амалий ёрдам беришга аҳд қилган Наманган вилояти аҳолисининг кучи ва маблағлари билан қурилди. Болалар мактабгача тарбия муассасасининг икки қаватли биноси буюртмачи — Наманган вилоят ижроия комитети капитал қурилиш бошқармасига 723 сўмга тушди. Бундан ташқари, болалар боғчасини мебель, ошхона ва бошқа хўжалик анжомлари билан жиҳозлаш учун вилоят бюджетидан қўшимча 54 минг сўм ажратилди.

Уйчи ноҳиясидаги 138 - механизациялашган кўчма колонна қурувчилари объектда виждонан ишладилар: улар бинони атиги етти ой ичида қуриб битказдилар. Бунда хом ашё ва қурилиш материаллари Оролбўйи шаҳарчасига Наманган вилоятидан тезда етказиб келинганлиги ҳам катта роль ўйнади.

(ЎзТАГ).

«КЛИН» ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Нукус дорилфунунида «Клин» деб номланган янги сунъий кристалл яратилди. Бундай кристаллардан лазер ускуналарини тайёрлашда фойдаланилади. Ҳозир улардан тобора кўпроқ соҳаларда фойдаланиляпти.

Синтезланган материал — сегнетоэлектрик кристаллар тайёрлаш лабораторияси олимларининг икки йилдан кўпроқ давом этган изланишлари маҳсулидир.

— Биз яратган синтезланган кристалл минерали квант электроникасида ниҳоятда кенг қўлланилиши мумкин, — дейди лаборатория раҳбари, катта ўқитувчи О. Камолов. — «Клин» Ватанимизда ясалган лазер қурилмаларидаги ҳозирги кристаллардан фарқ қилади. Унга бошқарувчи кучланиш камроқ керак бўлади, бу кристалл лазер ва радиация нурланишларига, шунингдек, иссиқлик таъсирига чидамлидир. Бу хусусиятлар унинг учун катта истиқболлар очиб беради.

Қорақалпоқ олимларининг бу йўналишдаги ишлари мамлакат илмий марказларида қизиқиш уйғотди ва қўллаб-қувватланди. Ҳамкасблар уларга замонавий ускуналар билан ёрдам қилмоқдалар. Масалан, сунъий кристалл яратилган қурилмани Москва пўлат ва қотишмалар институти совға қилган.

Нукус дорилфунуни яна бир нодир қурилма — кристалларни махсус шароитларда етиштириш учун мўлжалланган «Дон — Е — Ц — 1» аппаратига эга бўлди. Бироқ олимлар ҳозирча ундан фойдалана олмаяптилар — бу қурилма учун ажратиладиган бинони ремонт қилиш ва қурилмани у ерга ўрнатиш масаласини ҳал қилишга ректоратнинг сира вақти бўлмаяпти. Оқибатда мамлакатнинг турли бурчакларидан туриб ривожланишига ёрдам берилаётган истиқболли иш шу иш олиб борилаётган жойнинг ўзида қўллаб-қувватланмаяпти.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

Савдодаги ҳангомалар

Кейинги пайтларда савдо ташкилотларида камёб молларни яшириб сотиш, таниш-билишларга пинҳона пуллаш авж олмоқда. Дўконларда анқонинг уруғи бўлган моллар чайқов бозорларида тўрт-беш бараварига ортиғи билан пулланмоқда. Бу эса меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан яқинда Паркент ноҳияси халқ назорати қўмитасида беш гуруҳдан иборат рейд бригадаси ташкил қилинди. Назоратчиларнинг мақсади ноҳия савдо дўконларидаги камчиликларни аниқлаш, у ердаги пинҳоний ишларни фош қилиш эди. Шу мақсадда назоратчилар бир қанча дўконларда бўлишди.

Атторлик дўкони ноҳия марказидаги энг сергавжум ерда жойлашган. Шунинг учун бу дўкон доим харидорлар билан гавжум. Сотувчи З. Толипованинг қўли-қўлига тегмайди. Унинг ширин муомаласидан ҳамма ишлар жойида бўлса керак деб ўйлайсиз. Лекин текшириб кўрилганда дўконда яширилиб қўйилган 110 сўмлик турли хил қимматбаҳо совғалар, 98 дона япон лезвияси, 40 дона калиш, 60 дона кир ювиш учун ишлатиладиган парашоклар топилди.

Кийим-бош дўкони сотувчиси Вазира Абдуллаева ҳам анча тажрибали чиқиб қолди. Унинг харидорлардан баҳоси 71 сўмлик тўрт дона курткани, 17 минг сўмлик эркаклар ва аёллар кўйлагини яшириб қўйганлиги аниқланди. Бу «сир» фош бўлгач сотувчи Вазира Абдуллаева «бу молларни базага қайтариб юбормоқчи эдик» дейишдан бошқа важ топмади. Лекин ноҳия матлубот жамияти савдо бўлими бошлиғи Сайфулла Йўлдошев эса мазкур молларнинг ўша дўконнинг ўзига тегишли эканлигини айтди. Кимнинг гапига ишониш керак?

Рейд гуруҳимиз 22-савдо дўконига киришганда, қўрққан олдин мушт кўтарар деганларидек, сотувчилардан Н. Дадаева билан Д. Юсуповалар «бизда яширилган моллар йўқ», — дейишди. Лекин 40 дона хўжалик совуни, 2 килограмм ҳинд чойи топилгач сотувчилар мулзам бўлиб қолишди.

«Болалар дунёси» дўконида ҳам анчагина камчиликларнинг гувоҳи бўлдик. Расталарда ёйиб қўйилган буюмларнинг нархлари йўқ. Омбор кўздан кечирилганда эса 2 дона баҳоси 4 сўм 25 тийинлик болалар куйлаги ва баҳоси 4 сўм 40 тийинлик болалар костюми топилди. Сотувчи Н. Каримова бу молларни кимга асраб қўйганлигини «эслолмади». 33-савдо дўконида эса «Яблочка» печеньеси билан ёнма-ён 40 дона хўжалик совуни бекитиб қўйилганлиги аниқланди. 12-озиқ-овқат магазини сотувчиси Холбиби Одилова харидор Турдиали Йўлдошевга 1 килограмм қуритилган нон тортиб берди. Қайта текшириб кўрилганда эса у 970 грамм тош босди.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, ҳар бир дўконда яшириб қўйилган моллар бор. Харидорлар ҳақига хиёнат қилиш эса оддий ҳолга айланиб қолган. Бунинг асосий сабаби ноҳия комсомол қўмитасидагиларнинг лоқайдлигидан. Агар қўмита аъзолари «прожекторчи»лар билан биргаликда савдодаги бундай камчиликларни ўз назоратига олганида эди, юқоридаги камчиликларга оз бўлса ҳам чек қўйилган бўлур эди. Ноҳия «Паркент тонги» рўзномасида ҳам бу хусусда кўплаб ёзилди. Бу ҳолга эса ноҳия фирқа қўмитаси ва ижрокомидаги мутасадди раҳбарлар ҳамон томошагўй. Илгари ҳам бундай рейдлар кўплаб ўтказилган. Лекин ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезилмаяпти. Наҳотки бу галги рейдимиз ҳам илгаригидек яна натижасиз қолса?

М. СОЛИҲОВ,
ноҳия халқ назорати қўмитасининг штатсиз аъзоси.
Ф. ШЕРМАТОВ,
«Ғунча» тикувчилик фабрикасининг Паркент филиали касаба уюшмаси раиси.
А. ҚОРАБОЕВ,
«Паркент тонги» рўзномаси мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: рейд мақоласи чоп этилаётганда рўзномага бир гуруҳ савдо ходимларидан норозилик хати келди. Унда рейд қатнашчилари текширув пайтида нотўғри хатти-ҳаракат қилганликлари ёзилган. Биз ушбу мақола ва шикоят хатларини ноҳия прокуратураси эътиборига ҳавола этамиз.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР илмий-тадқиқот ташкилоти уюшмаси вилоят правлениеси ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти (ВОИР) вилоят кенгаши «Талабаларнинг энг яхши изланишлари» кўригини ўтказди.

Кўрик комиссияси аъзолари тақдим этилган ишларни кўриб чиқиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиали толиби И. Азизовни ғолиб деб топди. Унга 100 сўм миқдоридаги биринчи мукофот берилди.

75 сўм миқдордаги иккинчи мукофот ҳам мазкур институт талабасига насиб этди. Х. Мамарасулов «Пахтани тозалаш учун тош тутқич ва сепаратор конструкциясининг модернизацияси» мавзуидаги иши учун бу мукофотга сазовор бўлди.

Кўрик ғолибларига СССР илмий-тадқиқот ташкилоти уюшмаси вилоят бошқаруви ва ВОИР вилоят кенгаши президиумининг Фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳри.

Хориждан хабарлар

Кайфу яна Бош министр бўлди

ТОКИО. (ТАСС). Японияда ҳукумат истеъфога чиқди, парламентнинг махсус сессияси очилди, янги Бош министр сайланди ва ҳукумат тузилди. Сиёсий воқеаларнинг бу қадар жўшқин ривожи қийинчиликларсиз, барча тахминларга тўла мувофиқ ҳолда ўтди.

Кутилганидек, ҳукмрон либерал-демократик партиянинг ҳозирги раиси Тосики Кайфу яна Япониянинг Бош министри бўлди. Унинг ҳукумати ўзидан аввалги икки кабинетдан фарқли ўлароқ конституциянинг 70-моддасига мувофиқ истеъфога чиқди. Бундан аввалги ҳукуматлар улар аъзоларининг катта жанжалларга дахлдорлиги туфайли истеъфо беришига тўғри келган эди. Конституциянинг 70-моддаси ҳукумат зиммасига вакиллар палатаси аъзоларининг ялпи сайловидан сўнг парламентнинг биринчи сессияси чақирилиши арафасида тўла составда истеъфога чиқиши мажбуриятини юклайди.

Бош министр ўз ҳукуматининг составини эълон қилди. Бу ерда ҳукумат анча янгиланади деб, тахмин қилишмоқда. Бироқ ташқи ишлар министри Таро Накаяма ва молия министри Рютаро Хасимото ўз лавозимларини сақлаб қолишади.

Англия—СССР муносабатлари

ЛОНДОН. ТАСС мухбири Юрий Левченко хабар беради: 1992 йилда Москва яқинида «Москва четидаги Гольф-клуб» замонавий меҳмонхона комплекси қад кўтаради. Совет спорт лотереялари уюшмаси билан мазкур комплексни барпо этиш тўғрисидаги шартномани имзолаган Британиянинг «Гольф шоуз (Москоу)» компанияси ана шуни эълон қилди. Совет—Британия «Совенго» қўшма фирмаси шу йилнинг март ойидаёқ қурилиш ишларини бошлаб юборади.


Комплекс меҳмонхонадан, мажлислар залидан, шунингдек, хорижий фирмаларнинг Москвадаги амалий ваколатхоналарини жойлаштириш учун бинолардан иборат бўлади. Ўша ернинг ўзидаёқ магазинлар, сузиш ҳавзаси, медицина маркази, спорт-соғломлаштириш комплекси, теннис майдончалари, шунингдек, гольф ўйинлари учун майдончалар жойлаштирилади. Москвада ишлаётган хорижий гражданлар, ўз компаниялари ваколатхоналарини жойлаштириш учун СССР пойтахтида турар жой керак бўладиган чет элдан келган кишилар клуб аъзолари бўлиши мумкин.

«Бу ноёб лойиҳа — Шарқий Европа мамлакатлари билан муносабатларда рўй берган кескин ўзгаришлар натижасидир, — дейди Британия компаниясининг вакили Эдвард Гринхол. — Гольф ўйинлари учун энг сўнгги майдонча Москвада 1935 йилда ёпиб қўйилган эди. Бу ўйин ватанларида туғилган британияликлар янги майдончани қуриш вазифасини ҳақли равишда ўз зиммаларига олишмоқда. Москвада уй-жой сурункали равишда етишмаётганини ҳисобга олинса, меҳмонхона ва амалий бинолар қурилиши яна ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дунёдаги йирик компаниялар мижозларимизга айланади, деб ўйлаймиз».

Америкалик Скотт Эллиот ҳар йили ўтказиладиган антиқа анъанавий мусобақада ўзига хос рекорд ўрнатди. Нью-Йоркдаги 86 қаватли бинонинг тепасигача у 10 минуту 47 секунд сарфлади. Аёллар ўртасида эса австралиялик Сюзанна Малаксос 12 минуту 27 секунд ичида шунча масофани босиб ўтди.

СУРАТДА: икки ғолиб бир-бирини ғалаба билан қутлашмоқда.

(ТАСС телесурати).



Ранг-баранг олам

РУЛДА ГЎДАК

✦ УМРИНИНГ илк давридаёқ машина рулини бошқаришга улгурган рочестерлик (АҚШ, Пенсильвания штати) гўдак Майкл Коллинз автомобилда «сайр» қилиб юрган пайтда енгилгина шикастланди. Майкл эндигина 2 ёшга тўлган. Лекин ғаройиб саргузаштни бошидан кечирган.

Воқеа бундай бўлган эди: Майклнинг онаси Тауни Коллинз ўз машинасини мотори юриб турган ҳолда бир неча дақиқага уйи ёнида қолдиради ва ўзи уйига кириб кетади. Шу пайт Майкл машина рулига ўтиради ва....

«Холостой»да турган машинани қай йўл билан яхшигина тезликда ҳайдаб кетганига ва рулни қандай бошқарганига гўдакнинг онаси ҳам, полиция ҳам ҳайрон.

Болакай уй олдидаги деворларга урилиб кетмаган, хиёбондан ўтган ва тўрт қатор транспорт юрадиган катта шоссега чиққан. Йўлда бошқа автомобиллар билан тўқнашмай кетаверган, Қачонки, тик нишабликка келгандагина машина ўзи тўхтаб қолган. Майклнинг қўллари шу пайт бироз тирналган.

ҲАЗИЛ ҚИММАТГА ТУШДИ

✦ ПЬЕР БЕРТРАН исмли кишининг «ўта махфий» хабаридан сўнг Ницца (Франция) аэропорти мутасаддилари дарҳол жанговар ҳолат эълон қилишди. Гўё Пьернинг террорчи таниши қўлида портловчи қурилмаси билан тайёра ичида эмиш.

Бир зумда ҳамма ёқ остин-устун қилинди. Бироқ террорчи топилмади. Шунда Пьер шунчаки ҳазиллашганини айтди. Аммо бу ҳазил унинг учун қимматга тушди. Чехословакиянинг «Недельна правда» газетасида ёзишларича, суд Бертранга катта миқдорда жарима солган, бундан ташқари авиакомпания кўрган зарар ўрнини тўлдиришга мажбур этган.

Бир мақола тарихи

Бу воқеага қарийб етти йил бўлди. Муҳарриримиз Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг котиби йўқлаётганини айтди. Бордим. У менга «Булбулча» ансамблининг қийин аҳволда эканлиги, командировкага бориб, яхшилаб ўрганиб шу ҳақда мақола ёзишни буюрди. Ансамбль Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган жумҳуриятдаги ягона коллектив эканлигини қайта-қайта уқтирди. Мухбир У. Абдуазимова билан Хоразмда бир ҳафта бўлиб, қуйидаги мақолани тайёрлаган эдик.

«Булбулча»га эътибор шуми?!

«Булбулча» болалар ансамбли. Унда ўнлаб санъатга ихлосманд ўғил ва қизлар ўз истеъдодларини камол топтириб, рақс жозибаси, қўшиқ айтиш сирларини қунт билан ўрганадилар. Одамларга завқ бағишлашни мақсад қилган кичкинтойларнинг эзгу ниятлари амалга ошишида ҳар томонлама кўмаклашиш, ўз санъатларини намоён этишлари учун имконият яратиш — биз катталарнинг бурчимиздир. Зеро, болалар келажагимиз экан, ҳаваскорлар катта санъатнинг келажаги эканлиги равшан. Уларни авайлаб, камолга етказиш, меҳримизни ўз амалий ёрдамимиз билан ифодалашимиз зарур.

Лекин расман 1980 йилда ташкил этилиб, Иттифоқимизга довруғ солган болалар ансамбли «Булбулча»га айрим «катта»ларнинг ёрдами у ёқда турсин, бутунлай эътиборсизлик билан қараётганликлари бизни ташвишлантиради.

Хоразмнинг Ҳазорасп районидаги бу ансамблни математика ўқитувчиси Сафарбой Мадраҳимов ташкил этди. Талабалик чоғларида бадиий ҳаваскорлик, гимнастика ва акробатика секцияларига мунтазам қатнашган йигит музика ва санъатга қизиқиши бор болалардан жамоатчилик асосида тўгарак тузиб, дастлаб дорбозлик сирларини уларга ўргата бошлади. Бора-бора тўгарак аъзоларининг кенг ҳовлида ўтказадиган машғулотлари катта томошаларга айланиб кетадиган бўлди. Бундан хабар топган район халқ маорифи бўлими мудири Ботир Раҳимов Сафарбой билан маслаҳатлашиб, район санъат байрамида ўз талантлари билан олқиш олган ўқувчиларни тўгаракка аъзо қилдилар. Кўп ўтмай уларнинг сони ўттиздан ошди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Сабаби, хоразмликларнинг ҳаммаси куй, қўшиққа ошна, санъатга ташна. Шу боисданми ёки Сафарбойнинг изланишлари туфайлими «Булбулча» шу йилиёқ ноҳия, вилоят ва жумҳурият санъат байрамларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Ансамблнинг бадиий раҳбари Сафарбой Мадраҳимовга Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан «Халқ маорифи аълочиси» унвони берилди. Ансамбль иштирокчилари Хоразм вилоят партия конференцияси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳамда КПСС XXVI съезди делегатларига атаб берилган концертларда ўз санъатлари билан қатнашдилар.

Шу йил баҳорда тарқалган хушхабар наинки ҳаваскорларни, балки жумҳуриятимиз ёшларини ҳаяжонлантирди. «Булбулча» ансамбли Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Аммо мамлакатимизга довруғ солишга чоғланган бу ансамбль дуч келган бир қатор муаммолар ҳал қилинмаяпти, мутасадди ўртоқлар бунга жонкуярлик кўрсатишмаяпти.

Бирор йиғин ёки тадбир бўлса концертини томоша қилишга чоғланадиган район маданият бўлими ходимлари ансамбль ютуқларидан шодланиб «бизнинг «Булбулча» дейишади. Мактабларда ўтказиладиган анжуманларда коллективнинг чиқишларини кўрган район халқ маорифи бўлими ходимлари эса «бизнинг ансамбль» дейишади. Тўғри, ансамбль маориф бўлими қошида. Унинг ютуқларида район халқ маорифи бўлимининг ҳиссаси катта. Командировка юзасидан туғиладиган айрим моддий томонларни, транспорт масаласини ҳал этишга кўмакдош. Лекин бизда хайрли ишлар рағбатлантирилиши, уни ривожлантириш юзасидан тадбирлар белгилаш одатдир. Сафарбойнинг бошлаган ташаббуси шунчаки яхши натижа берган экан, уни қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш зарур. Тўрт фарзанднинг отаси С. Мадраҳимов маориф бўлимида филмотек бўлиб ишлайди. Ойлиги жуда кам. Тўғри, унга район мактабларида тўққиз соат дарс ўтиш ҳуқуқи берилган. Лекин командировкалар, машғулотлар ўз-ўзидан бунга ҳар доим ҳам имкон бермайди. Моддий масалаларни ҳал қилишда маориф бўлимида имконият бўлмаган пайтда, ҳатто ўзи томонидан юборилаётган командировкаларга район маданият бўлими ички резервлардан ахтариб, иложи борича ёрдам беришга уринмаслигини нима деб тушуниш мумкин? Шу борада район халқ маорифи ва маданият бўлими ўртасида бўладиган тортишувлар ҳам кўпинча ишга салбий таъсир кўрсатади. Улар зарур бўлиб қолганда «Булбулча» ҳамманики, нозарур пайтда фақат маориф бўлимига қарашли қабилида иш тутишади. Район маданият бўлими мудирлиги вакант экан, ҳеч бўлмаса унинг ходимлари репертуар ҳамда ташкилий ишларда ансамблга яқиндан ёрдам беришса бўлмайдими? Чунки, санъат ҳамманики, у барчага зарур. Ансамбль қатнашчиларидан келажакда район маданиятини бирмунча яхшилашга фидойи кишилар чиқса ажаб эмас.

Вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи Йўлдош Юсупов булардан бехабар деб ўйлайсизми? Асло. У биз билан суҳбатда районда маданий-оқартув ишлари анча орқада эканлиги ҳеч кимга сир эмас, деб таъкидлади. Лекин уни йўлга қўйиш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳақида лом-мим демади. «Булбулча»нинг эса завқли чиқишларини кўриб, кўнгли тўлиб ўтирган пайтлар кўп бўлганлигини айтди. Ундан транспорт ёки иқтисодий масалада қачон ёрдам бергансиз, деб сўраганимизда бироз ўйланиб қолди. Сўнг район маданият бошқармаси автобусини рўкач қилди. Бу транспорт эса ансамблга камдан-кам тегади. Тегса ҳам минг бир машмаша билан.

Ҳазорасп — вилоятнинг энг узоқ районларидан. Кейинги пайтда санъат анжуманларида қатнашиш учун ансамбль Урганчга келадиган бўлса машина масаласи ҳатто болакайларни ҳам ташвишга соладиган бўлди.

— Баъзида соатлаб кўчада қолиб кетамиз, — дейди ансамбль иштирокчиси Умид Қурёзов. У тўгаракка тўрт йилдан буён қатнашади., Ансамблнинг Пушкин номли мактаб ўқувчиси Ҳасан Муротов, А. Гайдар номли мактаб ўқувчиси Мурод Мадраҳимов каби қатнашчилари билан суҳбатлашганимизда ҳам бу ҳақда куйиниб гапиришди. Кўпинча, енгил машиналарда бўлиниб-бўлиниб етиб оладиган ҳоллар бўлишини айтишди.

Ансамблга вилоят маданият бўлимининг эътиборсизлиги натижасида халқ депутатлари Ҳазорасп район совети ижроия қўмитасининг «Булбулча»га намунавий ансамбль унвони бериш тўғрисида 1982 йил 21 сентябрда қабул қилган 321113 номерли қарори ҳамон амалга ошмай келяпти. Ваҳоланки бу коллективнинг Тожикистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунлари, Дўстлик кўриги очилиши маросими, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида берган концертларини юзлаб томошабинлар олқишлар билан кутиб олган. Ана шундай масъулиятли номерларни тайёрлашда бирор профессионал санъаткор ёки балетмейстерни С. Мадраҳимовга вақтинча ёрдамга тайинлашнинг иложи наҳотки топилмаган бўлса? Ахир бундай имкониятлар йўқ бўлса, унинг бошқа, яъни намунавий ансамбль унвони бериш йўли билан бадиий раҳбар, балетмейстер штати билан таъминлаш йўли борлигини мутасадди ўртоқлар яхши билишади. Улар Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида қабул қилинган «Булбулча»-га бу унвонни бериш ҳақида жуда узоқ ўйлаб қолишмадимикин?

Биз Ал-Хоразмий юбилейи муносабати билан бериладиган катта концертда «Булбулча» ҳам 22 нафар аъзоси билан иштирок этишидан қувондик. Лекин, концерт программасидан вилоятнинг фахри бўлган ансамбль номи қайд этилмаганлигидан таажжубландик. Бу ҳақда Йўлдош Юсуповдан сўраганимизда «ҳадеб бир коллективни кўтараверамизми» деган жавобни эшитдик. Программа юбилей муносабати билан Хоразмга ташриф буюрган меҳмонлар қўлида эди. Унда «Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Булбулча» ансамбли иштирокида...» деб ёзилса айни муддао бўлур эди. Арзимаган шу ёзув ансамблдаги ўнлаб болаларнинг кўнглини қанчалик кўтаришини тасаввур этиб кўринг-а!

Эътиборсизлик натижасида туғилаётган майда-чуйда камчиликлар ўз-ўзидан болаларга таъсир қиляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ Х. Маткаримов, Я. Нуриллаев, О. Нуриллаев каби ансамблнинг қобилиятли аъзолари тўгарак машғулотларига қатнашмай қўйишди.

Ўз санъати билан Кремль саройидан туриб олқиш олган коллективнинг машқ ўтказадиган биносини кўрмоқчи бўлдик. Бизга унинг адресини гоҳ район маданият уйида, гоҳ Фрунзе номли колхоз клубида деб айтишди. Бордик. Маданият уйида улар учун ажратилган хонанинг ўзи йўқ. Клуб эса қулф...

Биз ансамблга вилоят комсомол қўмитаси кўрсатаётган ғамхўрлик билан ҳам қизиқдик. Бир группа болаларнинг «Артек»да дам олиб келгани яхши. Лекин вилоят комсомол қўмитасининг котиби Э. Сапаева «Булбулча»нинг қаерда шуғулланиши билан, ҳатто қизиқмаган. У автобус масаласида Сафарбой билан июнь ойида суҳбатлашгани, кейин бу ҳақда ўйлашга имкон бўлмаганлигини айтди. Вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ У. Абдуллаев комсомолнинг «Булбулча»дан ҳам бошқа муҳимроқ ишлари кўп эканлигини таъкидлади. (Пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш каби). Тўғриси бу соҳада вилоятда олиб борилаётган яхши ишларни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин партия ва ҳукуматимиз бугунги кунда меҳнат билан бирга ҳар бир инсоннинг маънавий камолоти ҳақида қайғуришни талаб этмоқда. Ахир Гурлан районидаги «Гулғунча» ансамбли ана шундай «сансалорлик» натижасида тарқалиб кетганидан наҳотки тўғри хулоса чиқариб олинмаган бўлса?! «Гулғунча» ҳам жумҳурият партия съезди делегатларига ўз санъатини намойиш қилган. «Бахтли болалик» жумҳурият конкурси ғолиби бўлган эди. Бугунги кунда ундан нишона ҳам қолмаган. Демак, қанча ёшларнинг санъатга бўлган иқтидори асраб қолинмаган. Наҳотки бу воқеа ҳатто вилоят комсомол қўмитасини ҳеч қанча ташвишга солмаган, ҳушёр тортишга даъват этмаган бўлса?! Ансамбль Ленин комсомоли мукофоти унвонига сазовор бўлгач, уни йўл-йўлакай тадбирларга қўшиб истироҳат боғида табрикламасдан, балки вилоят комсомол қўмитасида расмий қабул қилинганида айни муддао бўлур эди. Эҳтимол, шундай қилинганда Ўринбой Абдуллаев бизга ансамбль аъзолари вилоят комсомол қўмитаси котибларини тани шарканми, сўрадингларми деган саволни бермаган бўлардИ. Чунки котиблар ёш санъаткорлар ҳузурида бирон марта ҳам бўлмаган, фаолияти билан қизиқмаган.

Бунинг устига Ҳазорасп районида оммавий маданий ишлар ўлда-жўлда эканлиги, ёшларнинг унумли меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқаришлари учун ҳеч қандай шароит йўқлигини, бу ҳақда пухта ўйлаб кўрилмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир бола йиғламаса, она сут бермайди, деб бежиз айтишмайди. Район комсомол қўмитаси бу соҳада ташаббускорликни қўлга олиб, ўз таклифлари билан район ижроия қўмитасига кириши мумкин эдику. Районда талаб даражасидаги маданият уйи у ёқда турсин, ҳатто замонавий типдаги пионерлар уйи ҳам йўқ. Район ёшларини суҳбатга тортганимизда улар охирги марта қачон концерт ёки кино кўрганликларини эслашолмади ҳам. Ёшлар ҳар қанча концерт бўлса, тўйда кўришаверади, деди район хўжалиги раҳбарларидан бири кулиб.

Ҳа, район ёшларининг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратиш борасида ҳеч ким қайғурмаётганлигини 1-боғча мудираси Зиёда Машарипова ва яна кўп қиз, йигитлар эътироф этишди. Район ижроия қўмитаси, комсомол қўмитаси, қолаверса, вилоятдаги мутасадди ўртоқлар бу ҳақда чуқур ўйлаб кўрадиган вақт етмадимикин? Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон Маориф нозирлиги, Маданият нозирлигидан «Булбулча» ансамблига ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришларини илтимос қиламиз. Чунки бундай «сансолар» ансамбллар бошқа вилоят ва районларда ҳам топилади.

Биз Ҳазорасп районининг ишда илғор, меҳнатда чаққон йигит-қизлари, комсомоллари самарали меҳнатдан сўнг кўнгилли ва мазмунли ҳордиқ чиқаришларини истаймиз. Мақсад шу. Бу эзгу ишда «Булбулча»нинг овози янада янгроқ бўлсин, ҳазорасплик ёшларнинг дам олиш вақтлари яхши оммавий-маданий ишлардан қувноқ ўтсин.

М. АБДУСАМАТОВА,
У. АБДУАЗИМОВА,
«Ёш ленинчи» махсус мухбирлари. 1983 йил сентябрь.







ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП НОҲИЯ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ ҲУЗУРИДАГИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ «БУЛБУЛЧА» БОЛАЛАР АНСАМБЛИ БИР НЕЧА ЙИЛ МУҚАДДАМ ШУНДАЙ ЭДИ. ЭНДИ-ЧИ?!

Мақолани ёзиб бўлгач, муҳаррир топшириқни буюрган котибга ўқитиш лозимлигини айтди. Уни оқ қоғозга кўчириб олиб бориб бердик. Эртасига бир эмас, комсомол Марказий Қўмитасининг биринчи ва иккинчидан ташқари қолган уч нафар собиқ котиблари қўл қўйиб, маъқуллаган ҳолда олдик. Кечагидек ёдимда, жума куни планеркада мақола навбатдаги сон лойиҳасига (макетга) киритилди. Ҳафтанинг биринчи куни ишга чиққанимда навбатчилар «Булбулча»нгиз «учиб» кетди дейишди. Сабаби Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг собиқ раҳбарларидан бири Хоразмда командировкада экан. Пахта йиғим-терими кампаниясида вилоят учун оталиқ қилар экан. Кутдик. Келди. Бу орада котиблардан бири хомаки саҳифага қўйдирилган мақолани унда номлари қайд этилган кишиларга бирма-бир ўқитиб қайтганини эшитдим. Бу журналистика қонун-қоидасига бутунлай хилоф бўлсада, манфаатдорлик юзасидан қилинганини англаш қийин эмасди. Юзма-юз гаплашишни афзал кўриб комсомол марказқўмига шошдим. Уларнинг принципсизлигини юзига солдим. Муаллиф сифатида зарур ташкилотларга мурожаат қилишимни айтдим. Энди билсам, бу турғунлик даврининг чиркин иллати экан. «Комсомольская правда»нинг мухбирига ҳам мурожаат қилдим. Аввалига ваъда қилиб, кейин ортга ташлади. Партия Марказқўмига боришни мўлжалладим. Чунки жумҳуриятимиз комсомол-ёшларига ана шундай бефарқ кимсалар бошчилик қилаётганини ўйласам, ансамблнинг ёрдамга муҳтож аҳволини эсласам, Сафарбойнинг ўкиниб, қайғуришларини кўз олдимга келтирсам, яна қалбим, виждоним ғалаён кўтарарди.

Лекин минг афсус, ўша қабоҳат йиллари қусуридан гапимни тинглайдиган кимса топилмаганди. Ўшанда ошкоралик даврларига умид қилган ҳолда мақола гранкасини сақлаб қўйгандим. Яқинда хоразмлик мухбиримиз «Булбулча» ансамблининг бугунги ачинарли аҳволи ҳақида ушбу мақолани олиб келди.

Махсус мухбиримиз, ижодкор ёшлар бўлимининг мудири Муқаддас

АБДУСАМАТОВА ИЗОҲИ:

Ўқидиму, куйиниб кетдим. Ишчан, тадбиркор, санъатга фидойи Сафарбойнинг бевақт ҳаётдан кўз юмгани ачинарли. Турғунлик даврининг даҳшатли қусурларидан бири иқтидор эгаларига ғамхўрлик кўрсатиб, имкон яратиш ўрнига уни камситишга, «овозини ўчириш»га уриниш эди. Сафарбой ўз вақтида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси собиқ котибидан умид билан ёрдам сўраганди. Уни бутун бошли жумҳуриятимиз ёшларининг раҳбарларидан бири сифатида болалар ансамбли тақдири ҳақида қайғурар деб ўйлаганди. Биз билан суҳбатда юрагидаги эзгу орзуларини ёниб-ёниб гапирганди. Озми-кўпми амалга ошишига ишонганди. Лекин ишончлари поймол бўлди, поймол қилишди. Эсиз...

Балки ўшанда собиқ ношуд котиблар сўзининг устидан чиққанда, мақола эълон қилинганда ансамбль довруғи бугунги кунда аллақачон жаҳонга таралармиди! Балки Сафарбойнинг тўрт фарзандигина эмас, «Булбулча» аъзолари ҳам етимсифат бўлиб қолишмасмиди! Балки, балки...

Ўтган ишга саловат демасдан, воқеани қайта уларга эслатаётганимиз боиси яранинг олди ўз вақтида олинмаса қандай ҳалокат юз беришини уқтиришдан иборат. Балки турғунлик даврининг ҳозир биз таъкидлаётган, фақат ўз фойдасини кўзлаган калтабин, устамон «раҳбарлари»да заррача инсонийлик, одамийлик фазилатлари бўлганида «Булбулча» фожиаси, Сафарбой ҳалокати юз бермасди. «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» ёзуви фақат қизил алвонларда ва ўша котиблар оғзида эмас, балки амалда бўларди.

Сафарбойга ўхшаган фидойилар номи зукко ва донишманд халқимиз қалбида бир умрга қолади. Чунки у санъат майдонига етаклаб келган ўнлаб ёш талантлар, болалар кўхна ва машҳур Хоразм маданиятини ўн йиллар оша ҳам улуғлашларига ишончим комил. Яна бир таклиф: «Булбулча» ансамблига Сафарбойнинг номи берилса, шонд руҳини шод этган бўлардик.

Йўқотиш

Бизнинг тенгқурларимиз «тиши» Комилжон Отаниёзов қўшиқларини эшитиб чиққан. 60-йилларнинг боши ва охирида болалар учун қўшиқ айтадиган махсус ансамбллар бўлишини қаердан билибмиз. Узоқ Хоразмнинг хилват бир қишлоғида туғилиб ўсган бўлсак. Кейин ҳаётимизга Шерали кириб келди.

— 80-йилларга — болалигимизда коммунизм ваъда қилишган давр — бир қадам қолган йилларда ўз йигитлик бурчимизни ўташ учун совуқ Россиянинг чексиз ўрмонларида ёғоч кесиб, юрт фаровонлиги учун ғишт териб юрган замонларда «Через две зими...» деган миямизга «ин» қурган. Кейин таҳсил олган, кўпроқ йўқотган десак ҳақиқатга завол келтирмаган бўламиз — талабалик давримизда барча мусиқа — қўшиқлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Чет элнинг яланғоч қўшиқчилари ёнига ўзимизнинг хашаки «Бони-эм»лар қўшилди... Хоҳлаганингизни тингланг, ўйланмаганлар завқ олсин..

Рости ўша пайтлар «Пахтаой», «Булбулча» каби жажжиларнинг жажжи ансамбллари ҳақида озми-кўпми эшитганмиз. Миллий кийимдаги сингилларимиз, укажонларимизнинг хайрли ишлари умид уйғотган. «Бўлар экан-ку!» деб бир-биримизга гап қотганмиз. Ҳар қалай биздан кейинги авлод тозароқ бўлар деб, кўнгилнинг бир бурчига умид тугунларини боғлаганмиз. Аммо...

Яна «аммо» деймиз. Булар шунчаки «бошлама» ва «ташлама»лигини туш кўрибмизми? Санъатга иштиёқманд ёшлар кимларгадир хизмат пиллапояларини осонроқ босишга зина, кимларгадир унвон учун «йўлланма» бўлишини, охир-оқибат яна эскича мақомлар ёпирилиб келишини англамабмиз. Топишдан кўра йўқотиш бизда одатий таомиллиги — жамият турмуш тарзининг ўзига хос қиёфаси — энди қайта қуришнинг бешинчи йилида тилимизга келиб қолди ёки тилимиз «тушов»дан озроқ ечилди...

Шулар сабаб бўлдими, рўзномамиз таҳрир ҳайъати томонидан Хоразм вилояти Ҳазорасп ноҳияси халқ таълими бўлими тасарруфида бўлган «Булбулча» болалар ансамблининг бугунги аҳволи ҳақида ўрганиб, ёзиш тўғрисида топшириқ олганда, аввало, минг йиллик қўшиқчилигимизнинг давомчилари бўлган ёшлар фаолияти ўтганлар ва келиши керак бўлганларнинг бошида албатта қийинчиликлар, турли мактаблар, қаланғи-қасанғи «ҳофиз»ларнинг енгил, сохта, ўткинчи йўлларини ўрганишимизга тўғри келди. Гапни узоқдан бошлаганим боиси — шу. Бунинг айтмоқчи бўлган воқеамизга тааллуқли томонлари йўқ эмас...

«Булбулча»га булбул забони, булбул хонишини берган иқтидорли инсон, ансамблнинг ташкилотчиси, раҳбари ўтган йил ёзида атиги 42 ёшида оғир хасталикдан вафот этди. Сафарбой аканинг умр сўнггида бағрини эзган асосий дардлардан бири ҳам шу — Иттифоқда донг таратган ёшлар жамоасининг инқирози бўлди. Масаланинг одамларга боғлиқ бўлган, замон зайлидан ўтган томонлари ҳам бор. Энди «Ана у!» деб аниқ бир кишини айбдор қилиб кўрсатиш қийин. Йўқотишнинг бошида бизга оталардан теккан «касал» — лоқайдлик ҳам, турғунлик раҳбариятидан мерос — масъулиятсизлик ҳам «тож» кийиб турибди.

«Булбулча» беш-олти йил гуллаб-яшнади. Ўзиям фаолиятига шу даврда миллион сарфлангандир? Улар турғунлик даврида эди. Энди ким беради, шунча маблағни?», дейди соҳага алоқадор кишилардан бири. (Биз ҳозирда ўша ўринларда ишлаётганларнинг исми-шарифини келтирмаймиз. Зеро, бутун бир ансамбль инқирозига сабаб бўлганлар бошқалар). Бу масаланинг фақат бир томони.

«Раҳбарига ҳам кўп нарса боғлиқ экан. Сафарбойнинг ўрнини босадиган одам қани? Сўнгги тўрт-беш йилда хасталаниб, ногирон бўлиб қолиши ҳам ишига таъсир қилмай қолмади», дейди яна бир суҳбатдошимиз. Шу кунда номига ташкил қилиниб, фаолият кўрсатаётган «Булбулча»да унинг ташкилотчисининг икки фарзанди иштирок этмоқда. Майли, ҳар қалай эстафета бор экан-ку! Лекин, нима бутун бир ноҳияда иқтидорли, талантли, ташкилотчи кишилар йўқми? Санъатга ҳавасманд ёшларнинг бошини бириктириб, уларни яхлит коллектив ҳолига келтириш, шакллантириш қийин эканини биламиз. Аммо, Сафарбой акага ҳам осон бўлмаган...

Ноҳия халқ таълими бўлимининг ёш раҳбари Ҳасан Мадраҳимов бизни кўришга таклиф этган «Булбулча» — ўша 80-йилларда Кремлни ларзага келтирган жамоадан кескин фарқ қилади. Жуда кескин. Бир қарашда ансамбль сақланиб турилишига сабаб, ўша йиллардаги эришилган шон-шуҳратдан воз кеча олмаслик, қўлдаги борини чиқариб юбормаслик...

Ансамблнинг аниқ бир макони йўқ. У ноҳиядаги Беруний ва Навоий номли мактаблар ўқувчиларидан ташкил топган. Ҳаваскорларни бир жойга йиғиш, ўргатиш, тайёрлаш осон эмас.

«Барибир охир-оқибат бўлмаса қийин-да, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, ансамблнинг яшаб қолишига тарафдор бўлган киши. — Ўша йиллардаги болалар каттайишди, мактабни тугатишди. Санъат билим юртларига кириш масаласида ёрдам қўлини чўзган одамнинг ўзи бўлмади. Кимнинг ҳафсаласи келади, дейсиз? Тўғри, ўтган йили ансамблнинг олдинги қатнашчилари бўлган К. Маркс номли мактаб ўқувчиларидан бир нечтаси олий ўқув юртларига киришди. Унда ҳам ота-оналарининг норозилиги туфайли УзЛКСМ Марказқўмига чиққанимиздан кейин. Шундай бўлгач...» Бу ҳам масаланинг бир томони. Ишлар қайнаб турган пайти ҳаммага кераксан, саҳналарнинг зўри сеники. Ёшинг ўтиб, жажжилар сафидан чиққач, тўрт томонинг қибла!..

Ўтган йил охирларига келиб, юқоридагилар «Булбулча» ҳамон «тирик»лигидан хабар топишди, шекилли, қимирлаб қолишди. Келиб, санъатга ҳавасманд 150 нафар ёшни кўрикдан ўтказиб, иқтидорлиларини танлаб олишди. Ноҳия маданият бўлими томонидан ансамбль раҳбари учун битта штат ажратишди, керак-кетикларини беришди. У ҳозирча «Кашшофлар уйи» ҳисобидан. Раҳбарликка мутахассис Иброҳим Олимов маъқул кўрилди. Ансамблнинг сўнгги бир йилдаги дастлабки ютуғи — вилоят «санъат байрами»да биринчи ўрин олгани...

Яна Ҳ. Мадраҳимовнинг сўзларига қайтамиз. «Ансамблни ижодий сафарларга жўнатиш учун бизда ортиқча маблағ йўқ. Яна бир томони... мендан олдинги ноҳия халқ таълими бўлими мудирини ишдан олишганда ансамблга кетган харажатларни ҳам тоза «тўкиб-солишган»... Нима дейсиз?..»

Нима деймиз? Баҳона, сабабни, айбдорни излаб, қаторлаштириб, ўзимизни оқлаб ўтиришдан наф йўқ. Факт шундаки, келажаги порлоқ деб ўйлаганимиз, умидларимиз боғланган «Булбулча» жажжилар ансамбли йўқотилди. Уни қайта тиклаш учун қилинаётган ҳаракатлар етарли самара бермаяпти. Гоҳида турғунлик даври инструкциялари қўлимизни боғласа, гоҳида ҳафсаламиз етишмаяпти. Қўрқоқлик бу яқин йилларда бизни тарк этмаса керак-ов...

Мақолани ёзаётиб «йўқотиш»нинг бош қаҳрамонларидан бўлмиш — Ҳазорасп ноҳияси раҳбари, вилоят ва ноҳия комсомол қўмиталарини «кашф қилдим». Ўзимизнинг эмас, соҳанинг масъул кишисини тили билан айтадиган бўлсак, «Комсомол қўмиталари ёрдами дейсизми? Одамнинг жиғига тегиб нима қиласиз? Сўраб кўринг-чи, ҳозир «Булбулча» бор-йўқлигини билишармикан?»

Жавобини биз ҳам эшитгимиз келади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар нозирлигининг матбуот маркази хабар қилади



Хатарли «ўйин»лар

Кейинги вақтларда нафақат ички ишлар бўлими, балки давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ҳам жиноятчиликка қарши курашда фаол иштирок этмоқдалар. Оғир вазиятларда ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, хизмат бурчларини шараф билан бажаришаяпти.

3 февраль куни кеч соат 22 ларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ноҳиясига қарашли Тўйтепа шаҳрида авария содир этган икки «Жигули» машинасининг йўловчилари бир-бирлари билан муштлашиб кетишди. Бундан хабар топган 3 нафар милиция ходимлари уларни ажратмоқчи бўлишганида, «ҳам хизмат, ҳам туҳмат» деганларидек, безорилар бирлашиб, милиционерларга тўсатдан ҳужум қилишди. Жиноятчилар огоҳлантирувчи ўқ узишларга ҳам парво қилмаганларидан сўнг ноилож қолган милиционерлар уларга қарши қурол ишлатишга мажбур бўлишди. Оқибатда бир нечтаси ярадор бўлиб, биттаси касалхонада вафот этди.

• • •

Яна бир ҳодиса Тошкент шаҳрининг Энгельс кўчасида бўлиб ўтди. ГАИ ходимлари номери қўшни вилоятга тегишли бўлган ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузган енгил машинани тўхтатмоқчи бўлишди. Ҳайдовчи автоинспекторларнинг тўхташ ишорасига бўйсиниш ўрнига уларнинг устига қараб машина ҳайдади. Йўл назорати ходимлари уларнинг изига тушдилар. Катта тезликда келаётган машина Тошкент—Бекобод автомобиль йўлида орқасидан келаётган машина билан авария содир этди. Милиционерлар машина ғилдиракларига қарата ўқ узишга мажбур бўлишди. Шундагина «Жигули»дагилар тўхтадилар.

Болаларда не гуноҳ?

Бу тунги қочоқлар кимлар, дейсизми? Рулдагиси Куйбишев номли колхоз ҳуқуқшуноси Н. Кабиров, унинг ёнидагиси эса Оққўрғон ноҳия ширкатининг буфетчиси Г. Қосимовлаŕ бўлиб чиқди. Иккала «Хатарли ўйин»лар иштирокчилари устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги пайтда ёш гўдакларнинг дом-дараксиз йўқолиб қолаётгани ҳаммани ташвишга соляпти. 2 февраль куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор ноҳиясида яшайдиган уй бекаси Н. Галимова икки ёшли қизи Васила билан Юля исмли қизалоқни ўз уйида қолдириб кетган. Шу куни номаълум сабабларга кўра қизчаларнинг иккаласи ҳам бедарак йўқолган. Худди шу куни Тахиатош ноҳияси ички ишлар бўлимига санэпидстанция хизматчиси К. Шоникбоева ўз уйларида яшаб турган Насиба исмли нотаниш қиз уларнинг 5 ёшли қизчасини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Шунингдек, 1989 йил 12 июлдан бери Қашқадарё вилоятининг Ғузор ноҳиясидаги Жонбулоқ қишлоғидан 4 ёшли Искандар ва 5 ёшли Жамшид Чоршанбиевлар қидирилаяпти. Иккови ҳам номаълум сабабларга кўра дом-дараксиз йўқолиб қолишган.

Юқорида номлари келтирилган бегуноҳ гўдаклар ҳақида кимда ким бирор-бир хабар топса ёки ўзларини учратса, Ўзбекистон ССР Ички ишлар нозирлигига (телефон 39-74-54) ёки ўзларига яқин бўлган ички ишлар бўлимларига мурожаат қилишларини сўраймиз.

З. САФИУЛОВ,
милиция майори.



— Турмушга берадиган қизимиз йўқ эмас, бор, — депти хонадон соҳибаси, — битта айби бор, икки кўзи кўрмайди, яна битта айби — икки қўли-ю, икки оёғи шол, бунинг устига тили соқов, иккала қулоғиям кар.

Бу гапни эшитган йигит депти:

— Э, онажон, муродимга етдим, икки қўли шол дегани — қўли эгримас дегани, икки оёғи шол дегани эшик ҳатлаб кўча кўрмаган дегани, тили соқов дегани — чақимчимас дегани, қулоғи кар дегани — ғийбатчимас дегани, икки кўзи кўр дегани — мўлтонимас дегани.

Имоним комилки, Аминбой сен бундай ривоятларни эшитмагансан ҳам, ўқимагансан ҳам. Кимдан ҳам эшитардинг, нимадан ҳам ўқирдинг. Булар аждодларимизнинг тарбия китоби. Улар Миср эҳромларидек тилсимланган. Эҳромларга кира олмаймиз, оёқларимиз ҳақиқатан ҳам шол, китобларни қўлга олиб, ўқий олмаймиз, кўзимиз ҳақиқатан ҳам кўр. Мен фош қилмоқчи бўлаётган фожианинг илдизлари мана қаерларга бориб тақалади! Гулистонлар ўтмиш билан бугунни боғлаб турувчи, аммо қачонлардир беаёв қирқиб ташланган ипларга осилиб ўлишяпти. Сендек йигитлар ўша қадим чашмаларнинг сувидан ичиши керак эди. Туйғуларнинг қадим уммонларида чўмилиши, назокат боғларидан гул теришлари, Фарҳод мактабларидан ўтишлари керак эди. Фожиа шундаки, ёшлар манқуртлашиб боряптилар, Аминбой.

Масалан, сен манқуртлашмаганингда, ҳис-туйғуларинг уйғоқ бўлганда, Гулистоннинг ўлимидан уч кун олдин кўрган тушингни таъбирини тўғри ечган бўлардинг. Ҳа падари бузрукворинг тушингга кирди. У кишини жудаям нотинч, беҳаловат кўрдинг. Хўш, руҳлар нимага нотинчу, нимага беҳаловат бўладилар? Бундоқ танангга ўйлаб кўрмадинг, юрагингга бўйламадинг. Ахир сен Гулистон Тошкентдан қайтгандан кейин унга мутлақо лоқайд бўлиб қолдинг-ку. У бўлса сенинг соғинчингга бир парча чўғ бўлиб қайтган эди. Меҳри қонмади. Ўз чаманзорига интилган эди, унда булбулларнимас, зоғларни кўрди. Ҳа сенинг оловингни устидан эмас, кулингни устидан чиқиб қолди. Бир ойда одам шунча музлаб, шунча ўзгарадими? Буни Гулистон сезмади деб ўйлайсанми? Асло, муҳаббатли юрак ўта сезгир, ўта ҳушёр бўлади. Гулистон сенинг хатти-ҳаракатларингга баҳо бериб онасига шундай дейди: «Мен Тошкентда ўқувда юрганимда Амин ўзгариб

Эркин МАЛИКОВ

қопди. Яшағиси йўққа ўхшайди. Аминни гўшт майдалагичдан ўтказиб бўлишганга ўхшайди».

Балки Гулистон ҳақдир-а, Аминбой. Сени айнитишгандир, бўлмаса нимага яшагинг келмай қолди. Гулистон учун биринг эт, биринг тирноқ эдинг. Этдан тирноқнинг ажраши мумкинлигини у тасаввур ҳам қила олмасди. Бу унинг учун ўлим билан баробар эди. Мана отанг нима учун тушингга безовта кирган эди.

Сен бу тушнинг таъбирини учтўртта кекса одамни чақириб садақа беришга йўйдинг. Яхши, деди Гулистон, садақани шу ерда, янги уйда берамиз. Йўқ, ота-онам ўтган жойда, дединг сен. Гулистон бунгаям кўнди. Бордиларинг, ниятларингни амалга оширдиларинг. Кузнинг бир тутам куни ҳам кеч бўлиб қолди. Шунда Гулистон уйга қайтайлик деди. Сен нима дединг: «Акамга ғўзапоя йиғишаман», дединг. Бу иш Гулистонга ёқмади, сени кетишга кўндирмоқчи бўлди. Икки ўртада жанжал чиқди. Қарая Аминбой, худойига деб ёқилган ўчоқ совимай жанжал чиқдия. Ўзинг айтгандек: «қўл кўтарув бўлди, ўласи қилиб» урмадинг. Ўшанда бир эслироқ одам ўртага тушиб: «Ҳай, Амин, бу не қилиқ, бир ёқдан садақа бериб, бир ёқдан бир бечорани қон қақшатиш, худогаям хуш келмайди бу ишинг, бор уйингга кет, ғўзапоя қочиб кетмас», демади.

Шундай қилиб сен ўз билгингдан қолмадинг, далага қараб кетавердинг, Гулистон оро ерда қолаверди. Унга илиқ-иссиқ гап айтиб, дардига малҳам бўладиган одам топилмади. Ўша куни Гулистонга нисбатан номардлик қилдинг ука! Ахир у сенинг ниятларингга йўлдош бўлиб, ёнингда бир суянчиқ бўлиб келган эдику. Саломга шунақа қилиб ҳам алик оладиларми? Гулистон алам билан уйингдан, ҳа садақа бериб арвоҳларни шод, унинг дилини хуфтон қилган уйингдан чиқиб кетди. Билсанг уни ўлим чоҳига ўзинг қўшқўллаб узатиб қўйдинг. Бечора Гулистон бандидан узилган куз япроғидек, ҳаёт изғирини қаёққа ҳайдаса шу ёққа қараб тентираб кетди.

7

У шу алпозда онасиникига боролмасди. Ахир онасининг ундан бошқа ташвиши йўқми? Уйига борай деса, хушлаган уйда уни ким кутиб ўтирибди. Дардлашадиган, жонига ора кирадиган кимсаси борми? Ўзи ёзғандек биттагина фарзанди бўлганда ҳам ўша билан овунарди. Барча хўрликларга чидарди. Қишлоқ кўчаларида бундай беманзил тентиб юриш бирдан унинг жону-жаҳонини жунбушга келтирди, юрак-бағрини ўртаб юборди. Бу хўрликларнинг айбдорини топиб берди. У сен эдинг! Муҳаббати нафратга айланди. Сендан ўч олмоқчи бўлди. Тўғри, Элликқалъа милициясига борди. Милиция капитани А. Ниёзов номига: «кўёвим мени ҳақоратлаб урди, унга тегишли чора кўришингизни сўрайман», деб ариза ёзди. Аммо айтиш лозим: «медэкспертиза керакмас», деб ундан бош тортди.

У милиция идорасидан чиққанда автобуслар қатнови тўхтаган эди. Онасиникигами, ўз уйига ҳам боролмас эди. Йўловчи машиналарга чиқишга қўрқди. Яқингинада уйини бўлиб тушган сингилси Гулойимникига борса бўларди — уялди. Меҳмонхонага боришдан бўлак чораси қолмади. Тасаввур қилгин Аминбой, аёл кишининг мусофирхонада тунашини. У бу ерда ухлади, дейсанми, бундай пайтда аёл кишининг кўзига уйқу келармиди. Еру-кўкка сиғмай ўзини урган жойнику бу. Ноҳия мусофирхоналарини биламан, кимсасизликдан ҳувиллаб ётади. Одамни ютаман, дейди. Тун, сукунат. Шу ерда Гулистон сал ўзига келган, хатти-ҳаракатларини тарозига солган бўлиши керак. «Милицияга бордим, арз қилдим, нима милиция Аминни менга иситиб берадими, қайтага Аминга мендан ажраб кетишга бахона бўлади бу», деб ўйлаган бўлиши керак. Яна нималарни ўйлади? Сендан ажраб кетишни ўйладимикан? Ахир у бирinchi билан турмуш бўйлаб иккинчи билан ... ўйладимикан? Йўқ, Гулистон сенинг ўрнингга яна кимнидир кўз олмаганига имоним комил. У сени мутлақо йўқотган эди. Ва ҳаёт унга бўм-бўш кўринди. Шайтон васвасаси билан юрагининг қопқ очилдию, унга ўлим шарпаси кириб олди. У ўзини ўлимга тайёрлай бошлади. Менимча ўзининг еттиси куни онасига борган «сўнгги хайрлашув хатини» шу мусофирхонада ёзган. У бир варақ, икки варақ хат эмас, анчагина катта хат. Ўйлаб, тиниш белгилари жойига қўйиб ёзилган хат! Шундай қилиб, Гулистон тун бўйи хат ёзиб тонг оттирган. Хўш хайрлашув хатини ёзиб бўлгач, нимага у жонига қасд қилмади? Ахир ўзига-ўзи ҳукм ўқидику! Йўқ, ҳукм ҳали унинг қўлида эди. Сендан ва яшашдан умидини узиб бўлмаган эди. У Амин мени излаб орқамдан онамникига бормаганмикан, деган ўйда Берунийга жўнади. Сени кўриб кўз-кўзга тушиши билан барча ... Бу ... шошиб онасиникига ... Онасидан: «эринг излаб келди» деган хабарни кутди. Э воҳ, минг афсуски, бундай бўлмади. Она-бола ўртасида тик турганча шундай гап бўлиб ўтди:

— Ҳов, қизим қаердан келаётирсан?

— Калилиндан.

— Кун ўтган жойда юраверасанларми, эринг қайда?

— Калинингга қуръон ўқитгани бориб эдик, Аминга кетайлик десам мени урди.

— Амин Калинингда қолган бўлса, ёнига бор, болам.

— Яхши, опа, мен кетдим.

Гулистон ўтирмади ҳам, ўтириш кўнглига сиғмади-да, ахир ўйлаган ўйи сароб бўлиб чиқди-да. Онасининг у юзи, бу юзидан ўпди-да чиқиб кетди. У ўша асноda яна бир бор ёнди, яна бир бор бутун борлиқ бошқатдан қоронғулашди, баттар ҳеч ерга сиғмай қолди. Яшашга бўлган иштиёқ бир муддатга чекинди, ўлим эса бир муддатга унинг ўрнига сурилди. У шундай бир шиддат билан кўчага чиқдию, хатни почта қутисига ташлади. Ана шундан кейин ўқилган ҳукм ижросига киришди, Аминбой. Бу ерга ... Амударё ўзининг ... шунча тентираган одамга бир чақирим масофа нима бўлти. Гулистон балки Амин совхоздаги уйига бориб мени кутаётгандир деб ўйлади. Бу уйга ҳам шамолдек учди. Шу тун ноинсоф бу ерга келмаган эдинг. Қўшниларнинг айтишича у кечгача уйни супуриб-сидириб юрган, уни, буни олиб чиқиб чангини қоққан, бироқ ҳеч кимга гап ... қилмаган. Келиб қолар деб кўзлари тўрт бўлган. Ҳа сенинг келишинг уни ўлимдан муқаррар олиб қоларди. Сенинг бир оғиз ширин гапинг зим-зиё дунёсини ёритиб юборарди, уни тобора ҳар томондан сиқиб келаётган ўлим ришталарини узиб юборарди. Сўнгги хайрлашув хати ҳам, милициядаги арз ҳам қизишиб кетувга, ҳазилга айланарди.

Ниҳоят қоп-қора чодирини судраб кеч ҳам кира бошлади. Тун ўзининг қора чодиридан унга кафанлик бичишини ва эртанги ёруғ кунни кўролмаслигини Гулистон билмас эди. У тиқ этган овозга интиқ бўлиб, ҳамон сени кутарди. Йўловчи машиналар ҳам ўтиб кетди, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Жимлик, ёлғиз одамни тош бўлиб эзувчи сукунат... Уйингдан қон қақшатиб чиқариб юборган хотинингни иккинчи кеча ҳам изламадинг. Изламадингми, энди бир умр излаганинг зор бўлгин, деди Гулистон!

— «Гулистонни ҳеч эслайсанми?» — сўрадим сендан.

— Эслайман.

— Юрагинг ачишадими?

— Ачишади.

— Бўлиб ўтган ишларга ўкинасанми?

— Ўкинаман!

Аминбой, сен учун бундан оний жазо йўқ. Сенинг эслашларинг, ачинишларинг, ўкинишларинг келиннинг ҳар бир хонадон учун, ҳис-туйғуларинг на ўлик, на тирикларнинг билиб бўладиган ... бир ёрлиқ бўлсин! Шу билан таомилимизга кўра бошлаган ишимизнинг ниҳоясига фотиҳа ўқиб, мазкур битигимизга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин... Инсон ҳаётда яшар экан ўзидан яхши ёки ёмон асоратлар қолдириб яшайди. У жисман тупроққа кетиши мумкин, бироқ у қолдирган асоратлар тупроқ ташқарисида қолади. Гулистоннинг фожиаси ёмон асоратлардан бўлди. У бамисоли бомбадек портлади, унинг ўлим ёғдирувчи парчалари-ю, мудҳиш овози яқинларидан ташқари яна қанчадан-қанча одамларнинг юрагини яралади, қулоғини қоматга келтирди. Хўш, қоматга келган қулоқларга нима дейилди-ю, яраланган юракларга қандай малҳам босилди?

8

Мен Гулистоннинг ишхонасида бўлдим. Бу ерда уч юзу эллик нафарга яқин комсомол аъзоси ишлар экан. Марказлашган клиниканинг Гулистон ишлаган реанимация бўлими қизлари билан суҳбатлашдим. Гулистон бу ерда цех комсорги экан. Клиника тиббиёт ходимларининг беш дақиқали анъанавий йиғилишида, Гулистоннинг осилиб ўлишининг ишхонага алоқаси борми-йўқмилиги сўраб суриштирилибди холос. «Алоқаси йўқ, оилавий можаро» дейилгач, бу ердаги ҳаёт қилт этмай ўз йўлида давом этаверган. Ахир клиника биронта жарроҳлик асбобини, ёки бўлмасам кислород ёстиқчасини йўқотгани йўқ, бутун бошли одамни йўқотишган эди-ю! Наҳотки кишиларнинг умрига умр қўшиш ниятидаги кишилар, бир ҳамкасабалари ўз умрини ўзи қисқартириб кетса-ю, бу фожианинг сабабларини ўрганишмаса, ўз тиллари билан айтганда, диагнозини қўйишмаса. Комсомол ташкилоти нимага миқ этмади? Ахир у комсомол фаоли эдику! Гулистоннинг ҳужжатлари ичидан унинг комсомол билети ва яна икки қизнинг — яъни Шомуротова Зулфиянинг (№ 62292143) ва Алимова Гуларанинг (№ 74126183) билетлари чиқди. Хўш, киши ҳаётдан кетгандан кейин унинг шунақа сиёсий ташкилотга алоқадор бўлган ҳужжатлари нима қилинади?

Мен Элликқалъа ноҳия комсомол қўмитасида ҳам бўлдим. Биринчи котиб Фарҳод Убайдуллаев билан учрашдим. Котиб Гулистон воқеасини эсламади. Биз фожиа содир бўлган ойни эслатдик, Фарҳод у пайтда иккинчи котиб бўлиб ишлаган ва ўша ойда дам олгани кетган экан. «Жиддийроқ шов-шув бўлмаган, бўлмаса қайтиб келганда эшитардим», деди Фарҳод.

Хўш, нимага бунчалик сукут сақланди? Одамлар нимани кутишди-ю, бу фожианинг тақдирини кимга ишонишди? Кимга буларди, ҳамиша-ҳамрўз бўлганидек тергов органларигада.

Шундай қилиб, тергов органлари бу фожиа юзасидан қандай қарорга келди-ю, ноҳия миқёсида, ёшлар ўртасида қандай тарбиявий иш қўзғади? Ноҳия прокуратураси терговчиси, 2-класс юристи ўртоқ Жуманиёзов 24 ноябрдан 25 ноябрга ўтар кечаси (1988 й.) содир бўлган фожиа юзасидан 1988 йил 2 декабрь рақами билан иш очган. Тергов икки ой давом этган. Иш 30 январь 1989 йилда ёпилган. . Терговчи ўз ишига шундай деб якун ясаган:

«Раимова Гулистон Бекниёзовна ўзини-ўзи осиб ўлганлиги факти бўйича кузатилган 12728 сонли жиноят иш бу фактда жиноят состави бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилсин. Ушбу қарор манфаатдор шахсларга маълум қилинсин».

Ҳа, терговчи Гулистоннинг ўлими бўйича бировни жазолаш учун далилий ашё тополмаган. Гувоҳлар ҳам Аминбойни хотинини тутиб олиб урганини кўришмаган. Эксперт ҳам Гулистоннинг ўлимида иккинчи бир шахснинг аралашуви бўлганлигини тасдиқламайди.

Савол туғилади, қачонгача тергов органлари инсон тақдирига фақат ашёвий далил билан қарайдилар! Фожиаларнинг маънавий томонлари қачон ўрганилади? Социал томонларичи? Терговчи чиқарган қарор билан қоматга келган минглаб қулоқларни тинчитиб, зил кетган минглаб юраклардаги жароҳатларни даволаб бўладими? Наҳотки, терговчининг зиммасига бу фавқулодда ўлимнинг оқибатларини кўпчиликка етказиш ва бундай фожианинг олдини олишга жамоатчиликни жалб қилишдек вазифа ҳам юкланмаган бўлса!

Мен ўртоқ Жуманиёзовга ўз-ўзини ўлдиришларга терговчи сифатида эмас, ҳаётий тажрибага эга бўлган одам, ота, тарбиячи сифатида ўз муносабатингизни билдириб икки оғиз ёзиб беринг,деб илтимос қилдим. У киши ўз фикрини шундай баён қиладилар:

«Аёл қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилганлиги фактлари бўйича олиб борилган текширишлар даврида асосан шу аёлнинг ёки қизнинг ҳаётдаги учраши мумкин бўлган вақтинчалик келишмовчиликларга, умуман, оилалик бўлишга тайёр эмас эканликлари маълум бўляпти. Шунинг учун ҳам қиз бола турмушга чиқишидан олдин ота-онаси томонидан унга оила қуриш шарт эканлиги, оилали бўлгандан кейинги учраши мумкин бўлган қийинчиликларга бардош бериш кераклиги, бу қийинчилик ва арзимаган қарама-қаршиликларга иродали туриб, курашиб, бартараф этиб яшашни, ҳаёт кечиришни давом қилиш лозим эканлиги тушунтириб борилса, ўз жонига қасд қилаётган аёл, қиз қатъий ҳаракатдан олдин ўзининг бу қилаётган ҳаракатининг қаҳрамонлик эмас эканлигини тушуниб етиб, ўзига келиши мумкин деб ўйлайман».

Биз кўпинча ҳақиқат гапни лавозимимизни эсдан чиқарганда, амал курсимизни бир дақиқа бўлсаям унутганимизда рўйи-рост айтамиз. Ўртоқ Жуманиёзов худди шу айтганларидан келиб чиқиб, ёшлар, ота-оналар ўртасида, ноҳия халқ таълими миқёсида жиддий тарбиявий ишларни бошлаб юборса бўларди-ку! Ҳозирги жимлик, ҳозирги сукунат ва мавҳумликда худди шундай фожиа ноҳия миқёсида бошқа такрорланмайди дея оламизми? Дея олмаймиз, чунки жароҳат даволанмай қолди. У «оби-ҳавонинг» қандай келишига қараб хоҳлаган пайтида «газак» олиши мумкин. Бир-биримизнинг тақдиримизга бефарқлик, лоқайдлик ҳис ва туйғуларни ўтмаслаштиряпти, ҳис ва туйғуларнинг ўтмаслашуви ўз навбатида лоқайдлик илдизларини мустаҳкамляпти. Аждодларимизнинг башорат қилишларича, замон охирлашган сари одамлардан меҳр ва оқибат кўтарилади, бир-бирларига жабр ва зулм қилиш кучаяди, дейилган. Бугунги кунда ўнлаб, юзлаб Гулистонлар ўз жонига-ўзи қасд қилиб, бу фоний дунёдан кетаётган экан, бизнинг зулмимиз, бизнинг жабримиздандир. Демак, Гулистоннинг қотили...

(Охири. Боши 27 февраль, 1 март сонларида).

9

ТВ

3 МАРТ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

* * *

10.00 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм («Мосфильм»). 11.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила» (такрор.). 12.25 «Қонун барчага баробар». 13.05 «Кўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий программа. 13.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орол — ҳаётим ва умидим». 14.45 «Офат ва нажот».

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тош созандалар». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Дўст билан обод уйинг». Мусиқий программа. 20.30 «Ҳафтанома». 21.15 «Оқшом эртаклари». 21.30 Москва «Вақт». 22.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Чангак». Видеофильм. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Кинопрограмма. 10.45 «Шоҳнома»нинг 1000 йиллигига. «Кохи назми» Оржоникидзеобод район халқ театрининг спектакли. 11.30 «Майсазор узра оёқланг». Бадиий фильм.

* * *

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Болалар планетаси — дўстлар планетаси». 18.20 «Классика билан юзма-юз». «Шоҳнома» — шоҳлар китоби. 19.00 «Новости». 19.20 «Кўчиб ўтиш». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Гипноз ва саломатлик». Психотерапевт А. Исомиддинов телесеанси. 20.00 «Ахбор». 20.20 «Армуғон». Концерт программаси. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Караматулло Мирзоев. «Она қалби», «Зираклар». Телевизион новеллалар. 23.00 «Майсазор узра оёқланг». Бадиий фильм.

●МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Онам, дадам ва мен». 9.35 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа. 10.35 «Америка вилояти». Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм. 3-фильм — «Пеллетлар фермаси». 11.35 «Зубр билан ёнма-ён». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»). 13.10 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 13.40 «Зураб Анжапаридзе». Фильм-концерт премьераси (Тбилиси). 14.35 «Ҳайвонларни ўргатувчи С. Богуславев». Свердловскдан кўрсатилади. 15.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ковель яқинидаги ўрмонларда». Уч серияли телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 1 ва 2-сериялар. 17.10 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Электр чўпон» (Венгрия). 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Киноафиша. 20.15 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Шарлоттанинг маржони». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Телескоп». 22.15 «Биргаликда куйлайлик, дўстлар». 00.10 «Мен ёввойи ҳайвон ўрнига қафасга кирдим...». «Иосиф Бродский». Фильм-концерт премьераси. Муаллиф ва ижрочи — РСФСР халқ артисти М. Казаков.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 9.10 «Да...да...ди...до...ду». Ҳужжатли фильм. 9.40 «Еттинчи ўқ». Бадиий фильм, субтитр билан («Ўзбекфильм»). 11.00 «Сальери ҳақида афсона». Мульфильм премьераси («ЦНФ»). 11.20 «Биз яшаётган дунё». Режиссёр Д. Луньков фильмлари. «Курия кулчанонлари» (Саратов). 12.00 «Тунда оқ отларда». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Совет Россияси» видеоканали. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Майдон». Спорт программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳрли хазина». Мультфильм. 1-қисм. 20.45 СССР Олий Советининг сессиясида. Информацион кўрсатув. 21.30 Матбуот клуби. 01.00 Тунги сеанс. «Ой камалаги». Бадиий фильм («Мосфильм»).

Яна бир олтин

Ҳамюртимиз Сергей Заболотнов номи жаҳон спорт мухлисларига яхши таниш. У Европа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда бир неча бор зафар қучган. Кунинкеча Сергейнинг медаллари шодасига яна бир олтин медаль қўшилди. У Москвадаги «Олимпийский» спорт комплекси ҳавзасида ўтказилган қишки чемпионатда ғолиб чиқди. 100 метр масофага чалқанча сузишда 56,57 секунд натижа кўрсатди. Аёллар ўртасида эса харьковлик Н. Шибаева биринчи ўринни эгаллади.

Грузия командаларисиз...

Кеча мамлакатимизнинг турли шаҳарларида футбол мавсумининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Илгари хабар қилганимиздек, мамлакат биринчилигида ўн тўрт команда иштирок этади. Тбилисининг «Динамо» ва «Гурия» командалари ўз жумҳуриятларида ўтказиладиган мустақил чемпионатда қатнашиш билан чекланишади. Грузия футбол федерациясининг бу қарори мамлакатимиз футболи равнақига тўсқинлик қилса қиладики, ёрдам бермайди. Бундан ташқари грузиялик футбол мухлислари мамлакатнинг энг кучли командалари билан ўз футболчилари ўртасида бўладиган қизиқарли ўйинларни кўришдан маҳрум бўлишди.

Футбол мавсумининг эълон қилинган ўйинлар жадвали ўзгартиришсиз қолади. Грузия командалари қатнашмаган учрашувларда 0:3 ҳисоби қайд қилиб борилади.

Муҳадовлар «Помир»да


«Помир» коллективи янги мавсумга жиддий тайёргарлик кўрди. Душанбелик футболчилар бу йилги чемпионатда ўтган мавсумга қараганда янада муваффақиятли қатнашишмоқчи. Командага бир неча янги ўйинчилар қабул қилинган. Тошкентнинг «Пахтакор» командасида муқаддам ўйнаган Р. Муҳадов ва унинг укаси Ч. Муҳадов «Помир» командаси сафида майдонга тушишади. Шунингдек яна бир собиқ пахтакорчи В. Постнов ҳам «Помир»га қабул қилинган.

Навбатдаги ҳужум

Севильяда енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Ёпиқ бинода бўлган қизғин баҳсларда Сергей Бубко яна ҳамманинг диққат-эътиборида бўлди. Сергей лангар чўп билан сакрашда 605 сантиметр баландликни забт этишга уриниб кўрди. Бу унинг ёпиқ бинода ўзи ўрнатган шахсий рекордидан 2 сантиметр юқоридир. Бироқ, баландлик унга яна бўйсунмади. Қишки мавсум давомида у бу маррага иккинчи марта ҳужум қилиб кўрди.

Янги рекорд ўрнатилмаган бўлсада, Сергей Бубко халқаро турнирда ғолиб чиқди. У 5 метр 92 сантиметр баландликдан сакраб ўтди.

Суратли айбнома





Сабрнинг чегараси борми?

Ушбу суратларда акс эттирилган мазараларга қараб на кулишни биласан киши, на йиғлашни. Лекин...

Ҳа бу айни ҳақиқат, ишонаверинг. Бу суратлар Тошкент аэропортининг милиция бўлими хоналарида олинган. «Космос» меҳмонхонасининг биринчи қаватида жойлашган ушбу бинога киришга қўрқасиз. Шифтдан сув оқавериб, деворлар моғорлаб, захлаб кетган.

Бундан маъсул раҳбарларнинг хабарлари йўқми дерсиз? Қаерда, қулоқларига пахта тиқиб олишган шекилли, милиция ходимларининг арз-додларини тинглайдиган мард топилмаяпти. Кейин эшитсак, бу масала Тошкент бирлашган авиаотрядининг йиғилишида ҳам муҳокама қилиниб, қопқоп ваъдалар берилибди. Очиғини айтганда меҳмонхона директори А. Гринкевич ўз ваъдасида турмайдиганлар хилидан экан.

Ичкарига кирган киши бадбўй ҳиддан нафаси қайтиб кетади. Ҳалиям барака топгур ички ишлар ходимларининг сабр-бардошига «балли» дейишдан ўзга чора йўқ. Аммо сабрнинг ҳам чегараси бўлади...

М. НАЗАРОВ,
муаллиф суратлари.



«ЁШ ЛЕНИНЧИ»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03140.
Д. — 23190.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.